

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
БАДИИЙ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИДА ПЕДАГОГ ВА
МУТАХАССИС КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ҲАМДА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
МАРКАЗИ

НУТҚ МАДАНИЯТИ

ФАНИ БЎЙИЧА

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУАСИ

Тошкент 2022

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ

**БАДИИЙ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИДА ПЕДАГОГ ВА
МУТАХАССИС КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ҲАМДА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
МАРКАЗИ**

“Тасдиқлайман”

Бадиий таълим йўналишларида педагог ва
мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда
уларнинг малакасини ошириш
Маркази директори _____Д.Шукуров

“НУТҚ МАДАНИЯТИ” ФАНИНИНГ

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУАСИ

Тошкент 2022

Ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2022 йил _____ даги _____-сонли буйруғи билан тасдиқланган фан дастури асосида ишлаб чиқилган.

Тузувчи:

Г.А.Қаршиева – филология фанлари номзоди, доцент.

Такризчи:

**Н.Жўраева – МРДИ, “Ўзбек ва хорижий тиллар” кафедраси доценти в.б.,
филология фанлари номзоди.**

Ўқув-услубий мажмуа Бадий таълим йўналишларида педагог ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш Маркази Кенгашининг 2022 йил “___” _____даги _____-сонли қарорига мувофиқ ўқув жараёнига татбиқ этиш учун тавсия этилган.

Ўқув бўлими бошлиғи: _____

МУНДАРИЖА

№	Бўлимлар	Бет.
1	Ўқув материаллари	
1.1	Маъруза матнлари	
2	Мустақил таълим машғулоти	
3	Глоссарий	
4	Иловалар	
4.1	Фан дастури	
4.2	Ишчи фан дастури	
4.3	Тарқатма материаллар	
4.4	Тестлар	
4.5	Баҳолаш мезонлари	
4.6	Ўқув-услубий мажмуанинг электрон варианты	

СЎЗ БОШИ

Жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси, ҳар қандай мутахассиси замон билан ҳамқадам бўлиши, ҳар бир кадр энг аввал ўз она тилини мукаммал билиши лозим. Буни энг муҳим шарти эса тилнинг туганмас имкониятларини тугал эгалламоқ, фикрни лўнда, аниқ, чиройли, равон ифода этишдан иборат ”Нутқ маданияти” фани ҳар бир касб учун керакли бўлган тилдан моҳирона фойдаланиш, чинакам маданий нутқни эгаллашда талабаларга амалий ёрдам кўрсатиши билан муҳим аҳамиятга эга. Тилдан мақсадга мувофиқ ва таъсирчан бир тарзда фойдалана олишни таъминлайдиган кўникма, малака ва билимларни эгаллаш, тилда мавжуд бўлган хилма-хил ифода воситаларидан танлаш ва нутқ тузиш айнан файласуфлар учун ҳам катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун “Нутқ маданияти” фани нутқнинг шаклланиши ва турлари, Ғарб ва Шарқ нотиклигининг ўзига хос жиҳатлари, нутқ маданиятини такомиллаштирувчи омил ва воситалар, нутқ маданияти услублари, нутқ маданиятида ахлоқий тамойилларнинг намоён бўлиши масалаларига эътибор қаратади. Миллий сезги ва миллий руҳнинг шаклланишида она тили ҳал қилувчи аҳамиятга эгаллиги, тил фикр ифодалаш, дунёни билиш, билим, тажрибаларни тўплаш, сақлаш ва кейинги авлодларга етказиш, миллий руҳий муносабатларни акс эттириш воситаси эканлигини талабаларга тушунтиради, уларда нутқ маданиятининг шаклланишида катта ҳисса қўшади.

Нотиклик санъати катта ижтимоий қудратга эга бўлган таълим ва тарбия воситаларидан биридир. Шунинг учун у тарбияшуносликнинг маълум соҳаси сифатида чиройли нутқ сифатлари, нутқ услублари, камчилик ва хатолари, нутқий асослари, уринишлари, кўринишлари, талаффузига доир муаммолар юзасидан билим берувчи фан сифатида ўқув жараёнига киритилган.

Нутқ маданияти инсон маънавий камолотининг омилларидан бири бўлиб, тилнинг имкониятлари, шунингдек инсон билими, савияси, маданиятининг кўрсаткичидир. “Нутқ маданияти” фани нафақат нутқ маданиятини эгаллаш балки, талабаларда академик нутқни шакллантиришга ҳам ёрдам беради.

МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

1-мавзу: НУТҚ МАДАНИЯТИ ФАНИНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ

Кишиларда маданий нутқ малакасини шакллантириш, яъни адабий тил, умумтил мезонларига, мавжуд қоидаларга тўла амал қилган ҳолда нутқ тузиш малакасини шакллантириш нутқ маданияти ва санъатининг асосий вазифаларидир. Шу билан бирга яхши нутқни баҳолаш ва тарғиб қилиш ҳам унинг вазифаси доирасига киради. Нутқ маданияти – амалий жиҳатдан нутқнинг хилма-хил муаммоларини тадқиқ қилувчи фан. Тилшуносликнинг мустақил соҳаси сифатида чиройли нутқ тузиш қонуниятлари, сирлари, тил нормалари, нутқ, нутқнинг сифатлари, нутқий услублар, нутқда учраши мумкин бўлган камчилик ва хатолар, нутқий асарларнинг кўринишлари, нутқнинг талаффузига доир муаммолар юзасидан баҳс юритади.

Нотиқлик санъати, риторика, нутқ одоби, воизлик, маданий мантиқийлик, ифодавийлик, нутқ бойлиги, нутқ софлиги, тил меъёри, лексикология ва семасиология, логика, эстетика, адабиёт назарияси билан чамбарчас боғлиқдир.

Тилшуносликда кўпинча тил маданияти ва нутқ маданияти тушунчалари мавжуд бўлиб улар ўзаро фарқ қилади. Тил маданияти деганда тилнинг маданийлашган, адабийлашганлик, нормалашганлик даражасини, луғат таркиби, граматтик семантик, стилистик жиҳатлардан ривожланганлик, бойлик даражасини, потенциал ифода имкониятларининг кўламдорлигини ифода этади. Нутқ маданияти эса тилдан бемалол, мақсадга мувофиқ ва таъсирчан бир тарзда фойдалана олишни таъминайдиган кўникма, малака ва билимларнинг жамидир. Нутқ маданияти умуминсоний маданиятнинг бир қисми бўлиб ҳисобланади. Тор маънода нутқ маданияти - тил меъёрларини эгалламоқ, яъни талаффуз, урғу, сўз ишлатиш, гап тузиш қонунларини яхши билмоқ, шунингдек, тилнинг тасвирий воситаларидан ҳар хил шароитларга мос ва мақсадга мувофиқ ҳолда фойдалана олиш ва ифодали ўқиш маданиятини эгаллаш демакдир. Бир вақтлар нутқ юксак санъатлар қаторига кўтарилган, унинг сирларини махсус мактабларда йиллар мобайнида ўрганишган. Нотиқлик санъатининг машаққати шу даражада бўлганки, нутқидаги нуқсонни йўқотиш учун ҳатто қудуқларга тушиб ўтириб нутқни машқ қилишган. Буюк нотиқлар Демосфен ва Цицероннинг ҳаёти фикримизни исботлайди.

Маълумки, маданий мерос, яъни ўтмиш дарвлар маданияти кейинги авлодлар маданиятига асос бўлиб, уни ривожлантирадиган қисми ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда мустабид даврида кадрсизлантириб юборилган инонпарварлик ахлоқи халқларимизнинг адолатсизларча ва такаббурларча назардан четда қолдирилган ўтмиши, илғор ахлоқий меросининг ютуқлари, қадриятлари, афзалликлари билан бойитилиши

айниқса муҳим. Зеро, Ўрта Осиё халқларининг тарихдаги ўрни, ўзига хослиги, уларни жаҳон маданияти ҳазинасига қўшган хиссаси бағоят улуғ. Нотиклик ва нотиклик санъати борасида ҳам Шарқ, хусусан Мавороуннаҳр ва Хуросон мактаби намоёндалари жаҳон маданиятининг гултожиси сифатида ажралиб туради. Бу борада нотиклик санъатида ўзига хос мактаб яратган Ҳусайн Воиз Кошифий (1440-1505) бутун Хуросон диёрида Ҳусайн Байқаронинг воизи, таъбирчиси, маслаҳатчиси сифатида машҳур эди. У мусулмон халқларининг муқаддас китоби қуръони Каримга оддий халқ тушунадиган қилиб, соддалаштириб, тўрт китобдан иборат ширҳ ёзган. Кошифий ўз замондошларидан фарқли ўлароқ, юзни ўқиш санъати бўйича ҳам ибратли фикрларни баён қилган. Воиз Кошифий инсоннинг чеҳра, соч, кулоқ, тишига қараб ахлоқини, феъл-хўйини айтиб бериш истеъдодига эга бўлган ажойиб хислат соҳиби эди. Унинг номи исми ҳозир ҳам тиллардан тушмайди.

Нотиклик санъатининг нодир намуналарини яратишда ёзувчи, шоир, санъаткор ва бошқа маданий-маърифий соҳа вақилларининг хизматлари катта. Хатто, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулум, Шайхзода каби алломаларнинг айрим нутқлари теран мазмуни, ижтимоий салмоғи, эмоционал кўтаринқилиги билан маънавиятимиз тарихида чуқур из қолдирган. Ғафур Ғулумнинг Қозон шаҳрида ўтган Абдулла Тўқай юбилейида сўзлаган нутқининг доғруғи Татаристоннинг энг олис овулларигача бориб етганди Абдулла қаҳҳорнинг 60 йиллик таваллуд кунида сўзлаган нутқини эслайлик. Адибнинг «мен партиянинг солдати эмас, онгли аъсосиман, тўғри келган ҳар бир кимсага честь бермайман» деган сўзлари бир зумда «катта оғаларнинг» қулоғига етиб борган ва катта идораларда ўтирганларни зир титратганди.

Шуни алоҳида айтиш керакки, нотиклик фақат чиройли сўзларни қўллай олишдангина иборат эмас, балки нотик сўзнинг таъсири, унинг ижтимоий аҳамиятига ҳам катта эътибор бериши керак. Зеро, нотикнинг савияси, иқтидори, салоҳияти ва инсонийлиги у сўзлаган матннинг нечоғли аҳамиятга эга эканлиги билан белгиланади.

Айрим нутқлар бадиий тафаккур ривожига таъсир кўрсатибгина қолмай, ижтимоий тараққиётнинг ҳам муҳим омилига айланиши мумкин. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовнинг СССР халқ депутатлари қурултойининг минбаридан туриб айтилган нутқида «...ўзбекларга ҳам бекиёс бахту саодат, фаровонлик, тўқлик бахш этгани, ҳар чорраҳада айюҳаннос уриб мақтанувчи коммунистик партия ва шўро ҳукуматининг риёкорлиги, мунофиқлиги, тили бошқа-ю дили бошқа эканлигини аёвсиз фош қилинган»лиги ўзбекнинг чинакам қаҳрамонлиги эди. Бу баъзан катта-катта китоблар қилолмаган ишни кичкина ва қисқагина бир нутқ қилиши мумкинлигига, минбардан туриб айтилган сўз юракдан отилиб чиқса, бошқа одамлар қалбида ҳам унутилмас из қолдириши мумкинлигини исботлайди Бу каби нутқлар нафақат бадиий тафаккур ривожига таъсир кўрсатади, Айни пайтда, ижтимоий тараққиётнинг ҳам муҳим омилига айланиши мумкин. Коммунистик партиянинг мунофиқлигини, амалда аввалгиларнинг

хаммасидан мудҳишроқ ва шафқатсизроқ мустамлака сиёсати юргизганини баралла айтган Одил Ёқубов нутқини академик Андрей Сахаров ўша курултойда ўрнидан туриб олқишлаган, курултой депутатлари ўзбеклар ичида ҳақгўй, адолатпарвар, эрксевар одамлар борлигидан, уларни юксак даражада тафаккур қила олишларига яна бир бор амин бўлгандилар. «Худо ҳақи, Одилнинг шу нутқидан кейин, - дея хотирлаган эди қаҳрамон мунаққидимиз Озод Шарафуддинов, - мен олис-яқин юртларга борганимда қаддимни ғоз тутиб, бўйнимни эгмай, индамай, қисинмай «мен ўзбек зиёлисман» дейдиган бўлдим..., Одил ўша нутқи билан ўзбек публицистикасини рекорд юксакликка кўтарди».¹ Собик Шўролар даврида мажлисларда, катта-кичик йиғинларда гапириладиган нутқларнинг ички қурилиши муайян қолипга тушиб қолганди. Нутқнинг муқаддимаси партиёга ҳамду санодан бошланиши, аввало партиёга таъзим, шон-шараф ва қуллик қилинар, сўнг эришилган ютуқларнинг оламшумуллиги ҳақида гапириш талаб қилинар эди. Шулардан кейингина, агар вақт қолса, асосий масалага ўтилар эди.

Нутқ қайси мавзу доирасида бўлишидан қатъий назар нутқда нотикнинг ҳаёт йўли, йиллар мобайнида кечирган жамики мураккабликлари, чеқилган изтироблар акс этмоғи ва шунга ухшаш нарсалар ҳаяжон билан баён этилмоғи керак. Шунинг учун ҳам одамлар юбилейини нишонлаётган инсонга охирида сўз берганларида унинг сўзини бутун вужудлари билан эшитишга ҳаракат қиладилар, нутқни гулдурос қарсақлар билан олқишлайдилар. Боиси, юбилярнинг нутқида унинг ҳаёти, ҳаяжони ва самимий мулоҳазаси акс этган бўлади. Ўзоқ даврлардан буён кишиларнинг ўзаро муносабатларида, улар бир-бирларини тушунишларида, фикр алмашишларида нутқ, нутқий муносабатлар ҳамиша муҳим аҳамият касб этиб келган. Бугун замон талабига мос равишда тилнинг коммуникатив-функционал тамойилига асосан нутқий фаолиятга эътибор кучайди. Нутқий фаолият тил ва нутқ диалектикасига мувофиқ тарзда рўёбга чиқувчи ҳодиса бўлиб, унинг ҳар қандай тури сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги ўзаро муносабат воситаси ҳисобланади.

Нутқнинг моҳияти унинг маданийлиги, оммавийлиги ва ижтимоий қиммати билан белгиланади. «Маданий нутқ», «нутқ маданияти», «нотиклик» деган иборалар бор. Нутқнинг характери ана шуларнинг моҳиятини билиш билан изоҳланади. Уларнинг лингвистик бирлик сифатида ўз хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар инсонларнинг ўзаро фикр алмашишдаги нутқий жараённинг босқичли шакллари дейиш мумкин. Анашу шакллар тўғри нутқ, нутқ маданияти – нотикликдир.

Нутқ маданияти, нутқий маҳорат ва нотиклик санъатига доир қатор илмий ишлар муаллифи, замонамизнинг ажойиб нофиғи Раҳимбой Жуманиёзов нутқий фаолиятнинг бир-бири билан ўзвий боғлиқлиги, ўзига

¹ Шарафуддинов О. Ижодни англаш бахти. -Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2000.

хос турлари ҳамда оғзаки нутқ ва ёзма нутқ ҳақида талайгина ижобий фикрларни баён этади.²

Мулоқот воситаси *коммуникация* нутқий (оғзаки ва ёзма), *паралингвистик* (товуш оханги, гап тезлиги, овоз тембри), *кинетик* (ҳатти-ҳаракат, мимика, ҳаракатнинг бошқа шакллари) ва нарса белгили (ҳайкал, расмлар) воситалар тарзида амалга оширилади. Нутқий малакага, кўникмага эга бўлмаган ўқитувчи ёки талаба тилимизнинг софлигини ҳам, бойлигини ҳам намойиш эта олмайди. Чинакам нотик нутқ техникаси - овоз, нафас, тўхталиш, оханг каби нутқнинг ифода воситалари, машқий жараён билан чегараланиб қолмасдан балки нутқий маҳорат нутқий фаолият қирраларини эгаллашга интилиши, назарий маълумот ва амалий машғулотни уйғунлаштира олиши зарур. Ифодали ўқиш матн мазмунини етказишга дахлдор техник ва назарий воситаларни билиш ва унга амал қилиш ҳар доим аҳамиятлидир.

Маълумки асрлар оша шаклланиб келган ўтмиш маданияти кейинги авлодлар маданиятига асос бўлиб, уни ривожлантиради, бойитади ва янгилайди. Шарқ ва Ғарб маданияти азал-азалдан бир-бирига таъсир кўрсатиб бойитиб келган. Нотиклик Ғарбда санъат даражасига кўтарилган бўлса, Шарқда сўзнинг қадри, буюклиги масалаларига қадимданок эътибор қаратилган, унинг ёзма шакли ҳам санъат даражасига кўтарилган. Айтилмоқчи бўлган фикрга ўзига хос либос кийдириш, сўз билан тингловчининг қалбини забт эта олиш Шарқда, хусусан ўзбекларда ҳам тарбияланганлик ва маърифатлиликнинг, зиёиликнинг белгиси бўлган. Шу сабаб ҳам бизнинг минг йиллик маданиятимиз ва маънавиятимиз тарихида нотиклик санъати, воизлик санъати, нутқ одоби ўзининг теран илдизларига эга.

Тарихдан маълум бўлишича бундан беш минг йиллар аввал вужудга келган илк мактаблардаёқ болани тўғри, аниқ гапириш ва ёзишга ўргатиш ўқитувчининг энг муҳим вазифаси бўлган. Зардўштиликнинг муқаддас манбаи бўлган “Авесто”да қобилятсиз, ёмон ўқитувчи ҳақида шундай дейилади: “Ростини айтсам ёмон устод ҳаётни ғамгин қилади, жоҳилларни улуғ санаб, буюк аёлу эркакларни Яздон неъматларига етишидан маҳрум этади. Бундай устодлар ўз нодуоус таълими билан халқни энг яхши юмушларда бездирадидлар, нотўғри пандлар билан халқни тирикчилик йўлида уриб, ёмон йўга бошлайдилар. Ҳаёт чироғини сўндирадидлар. Жоҳилларни буюк билиб, энг мўътабар аёлу эркакларни Тангри йўлидан қатарадилар. Ўз нодонликлари билан халқни энг яхши хислатларидан юз ўгиртирадилар, жаҳон халқлари ҳаётини ёлғон сўзлар билан паришон қиладилар”³ дейилади. “Авесто”да эзгу сўз, эзгу фикр, эзгу амал уч муҳим тушунча хусусида таъкидланади. Зеро, эзгу сўзнинг эзгу фикрга, улар эса эзгу амалга айланиши нотикликда муҳим аҳамиятга эгадир. Чунончи шарқ

² Қаранг: Жуманиёзов Раҳимбой. Нутқий маҳорат. Т.: Адолат нашриёти. 2005.

³ Авесто. Тарихий-абадий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. Тошкент: Шарқ, 2001, 566

нотиклигинингўзига хослиги ҳам сўз ва унинг одоби муаммоларига бориб тақалиши билан белгиланади.

Нафақат зардўштилик балки Ислом дини ҳам илм-фан ва санъат тараққиётига кенг йўл очиб бериш билан бирга сўз ва унинг моҳиятига катта эътибор қаратган. “Қуръони Карим”, “Ҳадиси шариф”да ҳам илм олиш, билимнинг инсон ҳаётида тутган ўрни, шунингдек сўзнинг ⁴буюклиги хусусида “Сўзда сеҳр бор, шеърда эса ҳикмат”, “Доим тўғри сўз бўлинглар, чунки у жаннатда яхшилик билан биргадир”, Тангри наздида энг яхши гап-рост гапдир, “Кишининг гўзаллиги унинг тилдан билинур” каби фикрлар ҳам фикримиз далилидир. Бу эса сўз санъатининг, нотиклик санъатининг ривожига кенг имкониятлар очиб берди. Бу айниқса назм санъати тараққиётида кўзга ташланади.

Тарихга назар ташласак Ўрта асрлар мусулмон Шарқ нотиклик санъатининг босқичма-босқич шаклланиб борганлиги ва унинг тараққиётида айрим мутафаккирларнинг алоҳида ўринга эгаллигини кўриш мумкин. Бунда воизлик санъати асос бўлган ва у мақсадига кўра хилма-хил кўринишларда тараққий этган. Ваъзлар мавзусига кўра, тингловчининг мақоми ва савияси кўра ўзига хос бўлган. Авомга ва амалдорга айтиладиган ваъ бир-бирдан фарқ қилган. Воизлик катта маҳоратни талаб этган. Ҳар ким ҳам бу мартабага эриша олмаган. Айрим ваъзхонлар ваъзхонликни касб даражасига кўтаришган, айримлар эса бу хусуда асарлар, китоблар ёзишган. Бу борада шарқнинг қомусий мутафаккирлари Форобий, Беруний, Абу Али Ибн Сино ҳам ибратли фикрлар баён этади. Айниқса Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шаҳри” асарида қувваи нотика яъни нутқни инсон фозиллигининг муҳим белгиларидан бири сифатида таъкидлайди.

Ибн Синонинг суҳбат одоби хусусидаги фикрлари ҳам диққатга сазовордир. У насиҳат кўпол оҳангда берилмаслиги, ва ўртоқлик суҳбат тарзда олиб борлиши, насиҳатни мулойим тарзда ва ёлғиз олиб бориш, суҳбатдошинг гапларингни тинглаётганни сезсанг гапни бошқа ёққа буриш лозимлиги хусусидаги фикр-мулоҳазалари бугун ҳам аҳамиятга эгадир.

Шунингдек, Абу Райҳон Беруний нутқнинг икки хил тури назм ва наср ҳақида тўхталар экан нутқнинг насрий шаклида ҳам, назмий шаклида ҳам мазмун бош мезонлигини таъкидлайди.

Тўққиз-ўн бешинчи асрларда Ўрта Осиёда фан ва маданият юксак даражага кўтарилди ва тарихда Уйғониш даври деб ном олди. Маълумки, нотиклик ва нотиклик санъати борасида ҳам мусулмон Шарқи, хусусан Мовароуннаҳр ва Хуросон мактаби намоёндалари алоҳида ўрин тутди. Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи ҳам қадимдан сўзга чечан, бадий дидли кишиларни қадрлаб келганлар. Ўша даврда нотиклик санъати - воизлик, нотиклар – воиз, нутқ эса – ваъз деб аталган. Ўрта аср воизлик санъатида ҳар бир сўз, тушунча, оҳангнинг таъсирчанлигига эришиш, муайян бир фикр, мулоҳаза, ҳукм, ғоя, мафкура ва хулосани ўз тингловчиларига етказиш мақсадида суҳандонлик (риторика) фани ўқитилган.

⁴ Минг бир ҳадис. Тошкент “Мовароуннаҳр 2008, 37, 83 бетлар.

Юқорида таъкидланганидек, нотиклик санъатининг шаклланишида шарқ мутафаккирларининг ҳиссаси катта. Ўрта асрлар мусулмон Шарқи нотиклигининг кўзга кўринган намоёндалари жуда кўп бўлган. Улар фаолиятинининг икки жиҳатини алоҳида таъкидаш лозим. Биринчидан улар бевосита нотиклик хусусида асарлар яратишган бўлса, иккинчидан ўзлари ҳам нотик сифатида фаолият олиб боришган. Улардан бир қисми воизликдан ташқари, воизлик ҳақида ёзган асарлари билан ҳам машҳур бўлганлар. Чунончи, нотиклик муаммолари хусусида Ўрта асрлар мумтоз файласуфлари Абу Наср Форобий, Беруний, Ибн Синолардан тортиб буюк даҳо ва санъаткор Алишер Навоий ёки “Абвобул жинон” рисоласининг муаллифи Воиз Муҳаммад Вафил, “Зилолу мақол”нинг муаллифи Воиз Қазвиний, “Ахсанул аҳодис”нинг муаллифи Воиз Ширвоний, “Ҳидоятул таквил”нинг муаллифи Муҳаммад Бобир Бинни Муҳаммад Воиз, “Анисуд воизин”нинг муаллифи Мулла Калон Воиз Самарқандий, “Мифтахун нажжох”нинг муаллифи Қози Ўший ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин.

Бевосита нотик сифатида фаолият олиб борган Баҳоуддин Валад, Жалолиддин Румий, Абулфайз Зуннун, Анас Жунайд, Шиблий, Сиррий, Рўзбехон Нисавий, Шерозий, Хўжа Муайяд Мехнагий, Мавлоно Иршод, Иброҳим Балхий, Ҳотам Асом, Муҳаммад Бобир, Мавлоно Риёзий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Муин Воиз каби ўнлаб нотикларнинг номини тилга олиш мақсадга мувофиқдир.

Ўрта асрлар Мусулмон Шарқи нотиклик санъатининг тараққиётида улкан ҳисса кўшган, нафақат нотиклик санъати балки унинг асоси бўлган тил масалалари хусусида ҳам асарлар яратган, туркий тилнинг туганмас имкониятлари, қудрати ва қувватини намоёиш этган, туркий тилда тўрт девон тузибгина қолмай, тарихий илмий асарлар яратган сўз мулкининг султони Алишер Навоийни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Алишер Навоий жаҳон адабиётида энг кўп ва хўб сўз қўллаши билан ҳам беназир даҳо санъаткордир. У бутун ижоди давомида 26 мингдан ортиқ сўз қўллаган. Сўз бойлиги жиҳатидан Алишер Навоийга яқин турадиган машҳур адиблардан Пушкин асарларининг сўз бойлиги 21 минг, Шекспирники эса 20 мингга яқиндир. Ушбу маълумот ҳам Навоий шахсининг буюк ва беназир эканлигини яна бир қарра намоён этади.

Алишер Навоийнинг нотиклик саъатига кўшган ҳиссаси айниқса унинг тил тарихи, ўзбек тилининг ўзига хослиги ва тараққиёти, масалаларини қамраб олган “Муҳокаматул луғатайн” асари орқали ҳам кўринадди. Бу асар қиёсий тилшуносликка асос солди., ўзбек тилшунослигини бошлаб берди., тил ва нутқ масалаларини ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб берди.

Шунингдек Алишер Навоийнинг нутқ одоби, нутқ маданияти хусусидаги қаршлари диққатга сазовордир. “Маҳбуб ул қулуб” асарида “Насиҳат аҳли ва воизлар зикрида” деган алоҳида фасли мавжуд бўлиб “Воиз ҳақ сўзни тарғиб қилиши, пайғамдар сўзидан четга чиқмаслиги керак, энг аввало унинг ўзи Ҳақ ва пайғамбар йўлига кириши, сўнгра эса насихат билан элни ҳам шу йўлга солиши лозим. Ўзи юрмаган йўлга элни бошламоқ— мусофирни йўлдан адаштириб, биёбонда ташламоқ ва саҳрода уни

йўқотмоқдир. Ўзи мастнинг элни хушёрликка чақириш- уйқучи кишининг одамларни бедорликка даъват этганига ўхшаш бир нарсадир”⁵ дейди. Буюк мутафаккир нутқ одоби масалаларига кенг эътибор қаратади. “Инсоннинг одоб-алоқини белгилайдиган омилларида бири унинг сўзи, нутқдадир”⁶ деб таъкидлайди аллома. Алишер Навоий нутқда қисқалик ва равшанлик бўлишини таъкидлайди: «Чин сўз мўътабар, яхши сўз мухтасар. Кўп дегувчи мумил, муқаррар дегувчи лояъқил»⁷ (Яъни: Чин сўз эътиборли, яхши сўз қисқа бўлади. Кўп сўзловчи зериктирувчи, қайта гапирадиган – ақлдан озган), - дейди.

Навоий сўзнинг ҳашамдорлигидан кўра ҳаққонийлигини улуғлайди, нотикнинг сўзи билан иши бир бўлмоғи лозимлигини уқтиради. Акс холда нутқнинг таъсири бўлмайди деб таъкидлайди. У фикрнинг халққа тушунарли бўлишини истасанг содда ва тушунарли бўлишига эътибор қаратиш лозим деб уқтиради. Алишер Навоий воизнинг сўзлари таъсирчан ва фойдали бўлиши, нутқ тингловчи учун янгилик бўлиши, нотик бирор соҳани эгаллаган бўлиши, нотик олим ва билимдон ҳар нарсадан хабардор бўлиши, иши ва сўзи бир бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Ушбу фикрлар бутун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Алишер Навоий сўзни гавҳарга қиёслайди. Сўз гавҳарнинг шарофати шунчалар юксакки, гавҳардек қимматбаҳо нарса ҳам унга садаф бўла олмайди.. Сўз жон бўлиб, руҳ унинг қолипидир. Танда руҳ бор одам зоти унга эҳтиёж сезади.”⁸

Дарҳақиқат, Навоий ҳазратлари яхши сўз инсонни бир-бирига яқинлаштириши, аксинча ёмон сўз бир-биридан айриши, сўзнинг қудратига ҳақида кўплаб фикр билдиради. “Тили ёмон халқ кўнглига жароҳат етказгани, ўз бошига ҳам офат етказади. Нодоннинг ваҳшатиға солувчи алжираши, томоқ қирмоғи-эшакнинг ўринсиз ҳанграмоғи. Ширинсухан сўзни юмшоқлик ва келишув билан айтади. Имкони бор ҳар бир яхшилиқ сўз орқалидир”⁹ деб таъкидлайди.

Алишер Навоий сўз ҳақидаги ўғитлар айтиб қолмасдан сўздан мўъжиза яратади, унинг анъанавий образ ва ташбеҳлар яратибгина қолмай, қиёслашда ҳам ўзига хосликни кўриш мумкин. Буни шоирнинг яратган ошиқ образи орқали кўриш мумкин. Маълумки шоирлар ишқни олов, ўт билан қиёслашади. Навоий ташбеҳлари эса кишини ҳайратга солади.

Ошиқ совуқ оҳ чекса ногоҳ,

Оламға солур ўт ул совуқ оҳ.

Яъни ошиқ чеккан бир совуқ оҳ оламга ўт қўйади деган ташбеҳини мисол тариқасида келтириш мумкин. Ҳазрат Навоийнинг нотиклик борасидаги қарашлари одамийлик, инсонпарварлик каби улуғвор ғоялар билан суғорилган. Шунингдек Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”

⁵ Алишер Навоий “Маҳбуб-ул қулуб”.-Тошкент, Ғ.Ғулом нашриёти 1983, 81 бет

⁶ Алишер Навоий Маҳбубул-қулуб Тошкент, Ғ.Ғулом нашриёти 1983 79-бет.

⁷ Ўша манба 75 бет

⁸ У.Маҳқамов .-Ахлоқ-одоб сабоқлари. Тошкент: Фан нашриёти 19914, 118 бет

⁹ Аждодлар ўғити. Тошкент: Чўлпон, 1991, 118б

асарида ўша давр шоир ва нотиклари, уларнинг нутки хусусида бой маълумотлар берган.

Шарқ нотиклигининг шаклланишида яна бир мутафаккир Ҳусайн Воиз Кошифийни алоҳида таъкидлаш лозим.. У тахминан 1440-йилларда Хуросон вилоятидаги Сабзовор шаҳрининг Байхаки кентида туғилган. Ёшлигиданок воизлик – сўз санъати билан шуғулланади. Натижада Сабзаворда ўзи ёш бўлсада кўзга кўринган воиз бўлиб танилади. Кошифийнинг нутқлари ўзининг жозибадорлиги билан ҳар қандай кишини жалб қила олган. Айтишларича, унинг бундай сўз санъатидаги маҳоратини Навоий билан бирга Султон Ҳусайн Байқаро ҳам юксак баҳолаган ва улар ўз асарларини аҳоли ўртасида расмий ижро этиш лозим бўлган пайтларда, бу ишга Ҳусайн Воизни муносиб кўрганлар. Тарихдан маълум бўлишича 1492 йил 8 ноябр куни буюк шоир, Навоийнинг устози Абдурахмон Жомийнинг дафн маросимида Алишер Навоий ўзининг 7 банд, 140 мисрадан мисрадан иборат пурҳикмат марсиясини ўқиб эшиттиришни Кошифийдан илтимос қилганлиги Кошифийнинг нотиклик санъатини юксак маҳорат билан эгаллаганлигини кўрсатади.

Ҳусайн Воиз Кошифий ўзининг “Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати”, Ахлоқи Муҳсиний” каби асарларида ахлоқ, нутқ одоби ва воизлик санъатининг ўзига хос сиру синоатлари батафсил баён қилинган. Ушбу асарларда тариқат аҳлининг одоби ҳақида сўз юритилган. Асарнинг биринчи фаслида тариқат аҳлининг кўнглини асраш ва етти аъзо - кўз, қулоқ, тил, қорин, оғиз, қўл ва фаржни асраш ва сақлаш одоби ҳақида сўз борса, унинг иккинчи фасли тариқат арбоби ёки улар тоифаларининг одоби ҳақида мулоҳаза қилинади. Айниқса, олтинчи фаслда суҳбат одоби ҳақида сўз юритар экан, одамзоднинг шарафи нутқи билан ва нутқ одобига риоя қилмаган инсон бу шарафдан бебахра эканлигини уқтиради. Сўз ҳамма вақт савоб учун ишлатилиши, тўғри ва ҳаққоний бўлиши керак. Агар шундай бўлмаса, жим турган маъқул деб таъкидлайди мутафаккир. Аллома қайси соҳага қўл урмасин, ўша соҳани пухта эгаллаган ва ўз ғоялари, қарашлари ва маҳоратини кўрсатишга интиланган. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида Воиз Кошифийнинг чиройли овозга эгаллиги ва нотиклик маҳоратини таъкидлаб ўтади.

Ўрта асрларда воизлик улкан санъат ҳисобланган, катта майдонлар, масжид ва мадрасаларнинг саҳналарида одамлар йиғилишиб, донишманд алломалар, уламо ва руҳонийларнинг ваъзларини тинглаганлар. Воиз Кошифий ҳар жумъа куни намоздан сўнг Ҳиротнинг масжиди жомеъсида ваъз айтган, минг-минг одамлар унинг насихатларини берилиб тинглаганлар, ўзларига фойда олганлар. Алломанинг ваъзларига қизиқиш ортиб боришининг сабаби унинг ғоят кўп ҳикоят ва ривоятларни, ҳадисларни, Қуръон сураларини ёддан билиши ва буларни тингловчилар диди, савиясига мувофиқлаштириб, ёқимли ва таъсирчан усулда баён этиб, моҳиятини тушунтириш, замона воқеаларига боғлаб шарҳлашида бўлган.

Воиз Кошифий бутун Хуросон вилоятида ўткир сўзли, ҳозиржавоб, билими машҳур воиз, олим сифатида танилган. У фақат воизлик билангина

шуғулланиб қолмай нотиклик санъати назариясига оид “Саҳифаи Шоҳи” , “Даҳ мажлис”, “Маҳзан ул-иншо” каби қўлланмалар ҳам ёзган. Кошифий нутқда сўзнинг ўрни, уни танлашда воизнинг диди, назокати, тингловчининг умумий савиясини ҳисобга олиш зарурияти, рост нутқнинг хосияти, воизнинг ички дунёси ва ташқи кўриниш каби масаларига алоҳида эътибор бериш лозимлигини таъкидлаб ўтган. Хусайн Воиз Кошифий қайси мавзуда нутқ сўзламасин охир оқибатда одоб-ахлоққа таъсир қила оладиган қилиб, насиҳатнома, пандномалардан, халқ мақолларидан фойдаланган.

Ўрта асрлар Мусулмон Шарқи нотиклигида сўзга юксак баҳо берилади. Жалолоидин Румий “Инсонни танимоқчи бўлсанг, уни гапга сол сўздан унинг ким эканини билиб оласан ёки “Сўз ҳақиқатнинг сояси ва парчасидир. Модомики соя ўзига тортар экан, у ҳолда ҳақиқат янада яхшироқ жазб этади. Сўз баҳонадир. Бир инсоннинг бошқа бир инсонга тортган нарса сўз эмас, балки иккаловида мавжду бўлган руҳий бирликдан бир парчадир.”¹⁰ деган фикрлари ҳам шундан далолат беради.

Дарҳақиқат, инсоннинг ақл-саховати, фикр-туйғулари, билими ва маданияти, савияси, тафаккури маълум даражада сўзда ифода этади. Яхши сўз билан кишиларнинг ишончи, қалбини эгаллаш мумкин. Сўз тилнинг таянчи ҳамда гўзаллигидир. Сўз юз ва кўз, тилнинг кўрки ҳисобланади. Шунинг учун донишмандлар сўзнинг отаси ақл, онаси тил дейишган. Муомала маданиятида сўз ақлдан куч, тилдан ихтиёр олади.

Қуръони каримда инсоннинг айтадиган сўзини, ҳар бир ҳатти-ҳаракатини, қиладиган ишини тартибга солувчи қатор ҳукмлар бор. Ислом меъёр, мезон ва мутаносибликни муштарақ эжтувчи бир манзума сифатида инсоннинг оғзидан чиқадиған ҳар бир калимани муайян асослар билан изга солади. Қуръони каримда “У бирон бир калимани сўзлай бошлар экан, ёнида унинг сўзларини тафтиш қилувчи назоратчи туради” деган оят ҳам фикримиз далилидир. Бу оят оғиздан чиқаётган ҳар қандай сўзлар одамлар орасида тезлик билан ўз баҳосини олиши таъкидланган. Шунинг учун инсон ёқимли, фойдали зарурий мавзулардан сўзламоғи лозим.

Ҳадисларда таъкидланишича “Сўзнинг фойда зарарини ўйлаб сўзлаган киши одамлар олида буюк ўрин олгани каби Аллоҳ таоло қошида ҳам марҳаматга тегишли одам бўладилар. Ақли бор одам ҳар вақт ўзига зарар келтирадиган сўзлардан сақланур.. Мусулмон одам, ўзини Аллоҳга топширган киши ёлғон сўзлашга йўл қўймас. Ўзига фойдали, зарарли бўлишига бўлшга қарамасдан ҳар вақт тўғри сўзлар. Ёлғон сўзламоқлик қўлидан иш келмайдиган тубан кишилар одатидир” деб таъкидланади.

Дарҳақиқат, мусулмон шарқида сўз, унинг қадри, қудрати, мавқеига юксак баҳо берилади. Улуғ мутафаккир Фирдавсий:

Бизлар бир ўткинчи, жаҳон барқарор
Оламдан фақат сўз қолур ёдгор.
Яхши ном қолса, бас шудир мақсуд-ком,
Танамиз ўткинчи, қолажаги ном

¹⁰ Жалолоиддини Румий Ичиндаги ичиндаур. Тошкент Меҳнат 2001, 10-13 бетлар.

деб таъкидлаганидек сўз инсонга қўйилган ёдгорликдир. Буюк алломалар воизлик санъати, нутқ одоби ҳақида ёзишаркан воиз ёки нотикнинг шахсияти ва маънавияти, нутқнинг мақсади, тилнинг қудрати каби масалаларга катта эътибор қаратишган. Умуман олганда мусулмон шарқ нотиклиги босқичма-босқич такомиллашиб тараққий этиб борган. Бугунги кунда ҳам ушбу тарихий мерос катта аҳамият касб этиб келмоқда.

Қадим шарқда шу жумладан Хитойда каллиграфия санъат сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Хуснихат ҳақида қадим Хитой донишмандларидан бири Ян Сюннинг “Сўз руҳнинг овози, ёзув эса унинг график ифодаси. Айнан ана шу овоз ва сурат орқали инсоннинг цзюньцзи (олижаноб) ёки сяожень (тубан) эканлиги билинади”¹¹ деган фикрини келтириш жоиз. Дарҳақиқат, ёзув давр ёки алоҳида инсоннинг маънавий дунёси, қизиқишларини ўзида акс эттиради. Бу соҳада аждодларимиз ҳам улкан тажрибага эга. Жаҳон аҳлини лол қолдириб келаётган масжиду-мадрасалар, миноралар пештоқи, шифт ва эшикларигади хуснихат, қўлёзма китоблардаги ёзувларда намоён бўлган.

X-XI асрларда Ҳирот, Мовароуннаҳр, Бухоро, Исфаҳон, Самарқанд ҳаттотлик мактаблари юзага келган. Ҳаттотлик шарқ бадиий маданиятнинг асосий хусусиятларидан бирига айланди. Ҳаттотлик санъати сўзнинг мавқеини, сўз эса ҳаттотлик санъатининг обрўсини оширди. Ҳаттотлик санъатининг назарийчилари Қози Аҳмад, Султон Али Машҳадий, Мавлоно Маҳмуд Чапнавис каби донишмандлар ёзувнинг инсонга руҳий, ахлоқий - эстетик таъсирига эътибор беришганлар. “Ёзувнинг озодалиги қалбнинг тозалигидан. “Ёзув ўқиш учун мавжуд, кўзни толиқтириш учун эмас”¹² каби ўғитларини мисол тариқасида келтириш мумкин. Араб алифбосининг “куфий”, “сулс”, “насхтаълик” хатларида диний - фалсафий битиклар моҳирона ёзилиб, қўлёзма китоблар безалган. Ҳаттотлик санъати воқеликни ёзувлар орқали эстетик акс эттиришда муҳим восита бўлди.

Мусулмон шарқида буюк ҳаттотлар билан бирга машҳур нотиклар, воизлар ҳам бўлган. Воизлик санъатида жарангдорлик, фармондорлик оҳанги етакчи бўлган. Шу туфайли улар ижтимоий салмоқ, сиёсий қудрат касб этган, бадиий сайқал топган. Улардан бири Воиз Иршод бўлган. Воиз Иршод минбарга чиқиб, шундай маҳорат ва эҳтирос билан нутқ сўзлар эканки, унинг нутқлари жоме масжидига йиғилганларни йиғлатиб юборар, ўрни келганда вазиятни тездан бошқа мазмунга буриб, кулдириб ҳам юборар экан. Унинг нутқидан таъсирланиб йиғлаганлар. Шунда у ўз нутқининг жозибадор, мафтункор яна бир қиррасини намоёйиш қилган: у ўз маърўзаси жараёнида шундай бир бурилиш ясаганки, йиғлаб ўтирганларнинг барчаси беихтиёр қаҳ-қаҳа отиб юборганлар. Иршод ўз билимининг кенглиги, сиёсий онгининг теранлиги ҳамда нутқининг таъсир кучи билан ўша даврнинг моҳир дипломати даражасига кўратила олган. Бу улуғ зот воизлик маҳорати билан икки муҳолиф давлат орасидаги низоларни бартараф этиб, улар ўртасида

¹¹ Қаранг: Завадская Е.В. Мудрое вдохновение. – М.: Наука, 1983.– С. 32.

¹² Бу ҳақда қаранг; Очерки истории и теории культуры Таджикского народа.– Душанбе.: 2001.– С.157-172.

дўстона, маданий алоқаларни қарор топтиришга эришган. Бу эса Мукулмон Шарқида диний нотиклик билан бирга нотикликнинг яна бир кўриниши сиёсий нутқнинг ривожини кўрсатади.

Буни ўша даврнинг машҳур нотикларида бири Қози Ўший, Хўжа Муаяд Меҳнагий, Мавлоно Риёзий фаолияти ҳам кўриш мумкин. Қози Ўший “Мифтоҳ ун Нажоҳ” яъни “Сўз калити” риволасида воизлик санъатининг сир-асрорини моҳирона очиб берган. Бу эса унинг ўткир воизгина эмас, балки нутқ маданияти бўйича етарли билим соҳиби эканлигидан ҳам далолат беради. Хўжа Муаяд Меҳнагий ўз замонавининг аллома нотикларидан бири бўлиб, дунёқарашини жихатидан оддий меҳнат аҳлига жуда яқин бўлган. Унинг нутқлари жўшқин, жозибали, тингловчилар олдида мафтункор бўлган, ўз муштарийларининг юрагига қўл сола билган; уларни пассив тингловчилик даражасидан фаол фикр юритувчи, ваъз мазмунига, талаффўзига, тилига фаол муносабатда бўлувчи синчков, зукко тингловчилар даражасига кўтара олган.

Мавлоно Риёзий нутқлари жўшқинлиги, жасоратлилиги, ўткирлиги билан ажралиб турган. Мавлоно Риёзийнинг нотиклик фаолиятида нутқни ҳаракат билан, мимика билан қўшиб олиб бориш устун бўлган. У ўз нутқларида назарияни амалиёт билан, жонли мушоҳада билан ўзвий боғлаган.

Мукулмон шарқи нотиклик санъатининг яна бир ўзига хос хусусияти уларда панд-насихатлар, сўз одоби, муомала одоби, билимли бўлиш муаммоларига катта эътибор қаратилгани билан ҳам белгиланади. Буюк мутафаккир Ибн Сино шундай дейди:

Инсонларга хос нарсадир нутқ, ақл, ҳис-туйғу,
Фикру ўйнинг тўғри бўлсин, ақлдан олиб ёғду.
Барча ақл, ҳис ва туйғу, сезги, идрок ҳам ҳаёт,
Расамад-ла тақсимланди, улуш олди махлуқот.¹³

Мукулмон шарқи алломалари тил ва сўзни юксак ахлоқий қадрият сифатида билишган. Ёмон сўз инсонни бахтсизликка етакловчи воситадир. Бу ҳақда Ҳазрат Навоий ҳам Олдига қўйганни емак ҳайвоннинг иши, оғзига келганни демак нодоннинг иши деб бежиз таъкидламайди. Тилга эътиборсизлик, эзмалик, бошга кулфат келтиришини буюк алломалар куп бора таъкидлашган. Буюк шоир Рўдакий

Кўпинча сўз айтиб, бўлдим пушаймон,
Айтмаган сўзимдан-доимо шодмон
Деган сўзлари ҳар бир айтилажак сўзни ўйлаш лозимлиги, кейин пушаймонликка олиб келувчи сўларни айтмасликни таъкидлайди. Ёки Низомий Ганжавийнинг

Олдин билиб олиб, кейин сўзлагил,
Зарни топиб, сўнгра харжни кўзлагил
фикри ҳам шундай далолат беради.

¹³ Инжулар уммони.-Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти.1988, 104-111бетлар.

Шарқ мутафаккирлари сўзлаш ва тинглаш одоби, суҳбат жараёнида муомала одобига риоя этиш масалаларига катта эътибор қаратишган. Ваъзни бошқаларга етказиш ва ишонтириш, шу орқали билим бериш, илмий ҳақиқатни етказиш, тингловчига руҳий мадад ва ахлоқий тарбия бериш бош мақсад бўлган. Воизлар устозлик даражасига эришган, пири комил сифатига эришган. Шунинг учун ҳам қадимдан Шарқда нотиклик, воизликнинг бевосита асоси тил бўлса, иккинчи бир асоси нотикнинг ахлоқи, маънавияти, маърифати бўлган.

Буюк шоир Огаҳий таъкидлаганидек одам фарзандларга ато этилган неъматлар икки хил бўлиб, биринчиси ақлу-фаросат, нутқ ва таълим-тарбия бўлиб, оммага берилган неъмат бўлиб, иккинчиси улар орасида баъзиларга ато этилган Яъни шоирларга. Шоир Тилин сўзда мўъжизнишон айлабон, Сўзи қадрин элга аён айлабон деб айтиб ўтади. Шарқ фалсафасида ва унга асосланган бадий адабиётда комилликнинг асосий шарти, илм-маърифат, юксак ахлоқ, яъни тил одобидан иборат.

Ўрта асрлар Мусулмон Шарқи файласуфларининг мероси жаҳон илм ва фани тараққиётига ўзининг катта ҳиссасини қўшди. Айниқса ахлоқ, нафосат хусусидаги қарашлари бугун ҳам катта аҳамиятга эгадир. Шарқда нотиклик, воизликнинг бевосита асоси тил, нутқ бўлса, яна бир асоси нутқ эгасининг ахлоқи, маънавий-маърифий камолоти эканлиги билан изоҳланади. Ғарб файласуфи Рене Декарт сўзларнинг маъноларини тушунтириб беринг, шунда сиз инсоният оламини англашилмовчиликларнинг ярмидан халос қилган бўласиз дейди. Бу эса ҳар бир сўзнинг маъносини чуқур билиш ва қўллаш кераклигини англатади.

Мусулмон Шарқи пандномаларида нотиклик ва нутқ маданияти масалаларининг талқини (Қутадғу билиг ва Қобуснома мисолида).

Жаҳон маънавий меросининг буюк намуналаридан бири бўлган, Ғарб ва Шарқ мутафаккирларининг эътиборини ўзига жалб этган Унсурул маолий Кайковуснинг “Қобуснома” қомусий асарида ҳам бу масалага алоҳида аҳамият берилади. Бу асар XI асрда яратилган бўлсада асрлар давомида авлодларга поклик, садоқат, одамийлик, ростгўйлик фазилатларини сингдириб келмоқда. “Қобуснома” бир неча тилларга таржима қилинган ва қилинмоқда.

Кайковуснинг Шарқ нотик икаси тарихида ғоят қимматли асарлар каторида турувчи «Қобуснома»сида ахлоқий тарбиядан ташқари инсон кундалик ҳаётида зарур бўлган фазилат ва ҳунарларни эгаллашда амалий қўлланма ҳамдир. “Қобуснома” асари инсон ҳаёти ва фалиятнинг деярли барча томонларини қамраб олувчи ўғит-қўрсатмалардан иборатдир.

“Қобуснома”да билим ва ҳунар эгаллаш, меҳмон кутмоқ,, фарзанд парваришламоқ , савдогарчилик одоби, каби бир қанча инсон учун муҳим ўғит ва пандлар берилади ва ахлоқий тарбиянинг ролига катта эътибор қаратилади.

Асарда нотиклик шарҳлари учун алоҳида боб ажратилганлиги бу санъатга бўлган, унинг санъаткорига бўлган қизиқишнинг орта борганлигини қўрсатади. «Қобуснома»нинг «Суҳандонлик билан баланд мартабага эга

бўлиш ҳақида» деб номланган еттинчи бобида ва ҳунарни эгаллашга бағишланган олтинчи бобида нотиклик сирларига доир ўғитлар билдириладики, бу фикрлар ўша даврда ҳам ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотмаган.

Кайковус нотиклик ҳақидаги барча фикрларини ривоятлар, ҳикоятлар билан мустаҳкамлайди, бойитади ва қизиқарли ва ўқимишли бўлишини таъкинлайди. Бобнинг бошланишидаёқ “Киши суҳандон, суҳангўй (нотик) бўлиши керак. Аммо эй фарзанд, сен суҳангўй бўлғил ва лекин дуруғгўй (ёлғончи) бўлмағил. Ростгўйликда ўзинг шуҳрат қозонғил, токим бирор вақт зарурат юзидан ёлғон сўз десан қабул қилғайлар. Ҳар сўз десанг ҳам рост деғил ва лекин ёлғонга ўхшағон ростни демағилким, ростга ўхшаган дуруғ дуруғга ўхшағон ростдин яхшироқдир, нединким ул дуруғ мақбул бўлар, аммо ул рост сўз мақбул бўлмас.”¹⁴ дейди. Яъни киши ҳар куни рост сўзни гапириш лозим деб бошлайди.

Умуман шарқ нотиклик санъатида рост сўз муаммосига катта эътибор қаратилади. “Қуръони карим” ва “Ҳадиси шариф”да рост сўз инсонийни энг гўзал фазилати сифатида таъкидланади. Кайковус ҳам ҳар бир кишининг сўзига қараб унинг кимлиги аён бўлади дер экан ростгўйликни суҳандоннинг энг муҳим фазилати сифатида қарайди. Эшитганини такрорлаш суҳандонлик эмас, бунда киши қушга ўхшаб қолишини айтади. “Эй фарзанд, ёлғон ва беҳуда сўз айтмак девоналикнинг бир қисмидур” дея таъкидлайди.

Кайковус нотиклик бу халқ билан муомала, мулоқотнинг муҳим шarti эканлигини таъкидлар экан шундай дейди:

“Суҳангўй шул киши бўлғайки, ула ҳар сўзни деса халққа маъкул бўлғай ва халқ ҳам ҳар сўз деса унга маъкул бўлғай.. Бундай кишилар оқиллар қаторига кирғай, йўқ эрса ул инсон суратида мавжуд бўлғон бир хайвондир”¹⁵.

Мутафаккир нотикнинг ҳар бир сўзи халққа маъкул бўлиши ва халқнинг фикри ҳам унга маъкул бўлишини таъкидлайди. Бундай кишини эса оқиллар сафига қўшиш мумкин дейди. Дарҳақиқат, сўз орқали инсоннинг ахлоқи, ақли, маънавий олами намоён бўлади ва шунга қараб унинг кимлиги билинади. Шунинг учун Кайковус инсоннинг сўзига қараб уни оқиллар сафига қўшади. Аллома қуйидаги ибратли ҳикояси билан мулоқот вазияти, фикр ифодаси учун танланган нутқнинг нафақат тўғри балки маҳорат билан етказилиш лозимлигини таъкидлайди.

Кайковус нотикликни ҳунар деб билади. Билгилким, ҳамма ҳунардан сўз ҳунари яхши дейди аллома. Нотикликни эгаллашнинг муҳим йўли бу – машаққатли меҳнат, нутқ гўзаллиги, тингловчи қалбига тўғри йўл топишдир. Чунки нотикликни юксалтириш, тил маданиятини шакллантириш, фикрлаш доирасини кенгайтириш катта меҳнатни талаб этади. У ёрдамида инсон қалбини эгаллаш, ишончини қозониш мумкин.

¹⁴ Кайковус Қобуснома.- Тошкент: Истиклол 1994, 35 бет

¹⁵ Ўша манба 38-бет

Кайковус ўз асарида муомала одоби ҳақида ҳам алоҳида тўхтаб ўтади. “Халойиқнинг орасида бир кишининг қулоғига сўз айтиш яхши эмасдир. Агар бу сўз гарчанд яхши бўлса ҳам, ташқарисиндан уни ёмон сўз деб гумон қиладилар. Ва кўп одамлар бир-биридан даргумон бўладилар. Гар сўз демок бўлсанг, шундай сўз дегилки, сўзигни рослиғиға гувоҳ бўлсинлар дейди.

Кайковус “Қобуснома” да нафақат нотиклик, балки ёзма нутқ, котиблик, дабирлик борасида ҳам алоҳида тўхталиб ўтади. Асарнинг ўн тўққизинчи боби “Дабирлик ва котиблик зикрида” деб номланади. Юқорида тўхталиб ўтганимиздек шарқда ёзма нутққа катта эътибор қаратилган. Муншоот, котиблик, дабирликка катта эътибор қаратилган.

Кайковус “Эй фарзанд, агар дабир ва котиб бўлсанг, ёзма нутқни яхши эгалғил, хатни яхши билғил ва кўп ёзмокни одат қилғил, токи яхшироқ моҳир бўғайсан”¹⁶ деб таъкидлайди

Аллома хат ёзишни доим машқ қилиш ва буни одатга айлантириш лозимлигини таъкидлайди. Шу билан бирга номани ибратли ҳикоялар, масаллар, шеър ва ибратли фикрлар билан бойитиш кераклигини айтади. “Ҳар сўзниким ёзсанг ширин, мустаар ва мухтасар ёзғил. Котибга соҳиб идрок бўлмоқ ва котиблик сирларини яхши билмоқ, рамзли сўзларни англамоқ лозимдур.”¹⁷

Хос Ҳожибнинг тил ва сўз одоби хусусидаги қарашларнинг ўзига хослиги. Шарқ халқлари маънавияти тарихида муҳим ўрин тутган, жаҳон адабиётининг нодир асарларидан бири “Қутадғу билиг” “Қутга, яъни бахт-саодатга эриштирувчи билим” асари қомусий асарларда биридир. Буюк шоир ва мутафаккир Юсуф Ҳос Ҳожибнинг ушбу асари энг эзгу инсоний фазилатларни тараннум этувчи машхур пандномалардан бўлиб, баркамол авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. 130000 мисрани ўз ичига олган ушбу шеърий асар туркий халқларнинг ахлоқий қомуси дейиш мумкин. “Қутадғу билиг” асари мавзулари билан ғоят кенг қамровли, мазмундор бўлиб барчаси инсон билан унинг ижтимоий моҳияти, тафаккури, ахлоқи, ҳаётдаги ўрни билан боғлиқ муаммолардир. Бу мавзуларнинг моҳияти образли, бадий юкса мисралар, шеърий ҳикматлар ва мақолларда етказилади. Юсуф Ҳос Ҳожиб комил инсон ҳақида сўзлар экан унинг бир қанча фазилатларини баён этади. Инсоннинг қадри унинг билими ва тафаккури, ақл-идроқи, ахлоқи билан эканлигини таъкидлайди. Ушбу асарда тилнинг фазилат ва анфаатлари, инсон ҳаётида тутган ўрни, сўз одоби масалларига жуда катта ўрин берилган. Ўринли гапириш, қисқа ва мазмундор сўзлаш, эзмалик, лақмаликни қоралаш, кексалар, устозлар олдида нутқ одобини сақлаш, тўғри рост ва дангал гапириш, тилёғламаликни қоралаш ҳақида гап боради. Юсуф Ҳос Ҳожиб укув ва билимнинг таржимони тил, кишига яхшилик, эзгулик, қут-иззат, обрў-эътибор тил орқали келшини таъкидлайди. Тилни нотўғри қўллаш эса уни кўпчилк олида изза қилади, ўз бошига бало келтиради. Бу ҳақида мутафаккир шундай дейди.

¹⁶ Ўна манба 132 бет

¹⁷ Ўша манба 134 бет

Тил арслон мисоли ётар қафасда
Бехабар бошини у ер нафасда
Тилидан тутилган не деяр, эшит
Амал қил бу сўзга, ўзингга иш эт
Бало келтиради бошга бу тилим
Сўзингни тийиб юр, бошинг ёрмасин
Тилингни тийиб тур тишинг синмасин.¹⁸

Мутафаккир тил, ақл, фаросатни ўз вақтида ва ўз ўрнида ишлатиш лозимлигини уқтиради. Унинг фикрича инсонга бахт саодат келтирувчи ҳам, уни бахтсиз қилувчи ҳам тилдир. Ўзига эсонлик тилаган ҳар бир одам ўйламасдан гапирмайди, билиб сўзлаган сўз донолик белгиси эканлигини таъкидлайди. Оз ва маъноли сўзлаш, сўзларга кўпроқ маъно сингдириш лозим. Бу ҳақида Юсуф Хос Ҳожиб “тилингни авайла омондир бошинг, сўзингни авайла ўзаяр ёшинг” деб таъкидлайди.

Асарда инсондан қоладигани эзгу сўз, у тиллардан-тилларга, диллардан-дилларга кўчиб юради. Инсон оламдан ўтар лекин унинг сўзи мангу деб таъкидланади. Инсон икки нарса туфайли қариллик нималигини билмайди, уларнинг бири хуш қилиқ, бошқаси эзгу сўз. Туғилган одамдан қоладиган мерос унинг эзгу сўзи, унга амал қилган инсон эса фойда ва наф олади.

Аллома муомала одоби ҳақида тўхталар экан дағал сўз кишига офат келтиради, ҳасадли сўз кишининг рангини сомонга айлантиради.

Яшил кўкдан инди бу бўз ерга сўз,
Сўз билан инсонда ёруғ бўлди кўз.

Юсуф Хос Ҳожиб серқамроқ, теран тушунча бўлган аҳоқни жамиятдаги мувозанат ва осойишталикнинг асосий омили эканлигини изоҳлайди. Маъноли ва бежирими гапириш, сўзнинг орқа-ўнгини, муносиб ўрнини фарқлай билиш, нутқий фаҳм-фаросат, нозик нутқ одоби каби фазилатлар Туронда инсон умумий ахлоқининг, маънавий расолигининг таянч устунларидан саналган. У тил тилсимини, қудратини ва бу қудратни тўла ишга солиш учун маҳорат ва малака талаб этишини таъкидлайди.

Тил одобининг муҳим жиҳатларидан бири катталардан олдин сўз бошлаш, сўрамасдан олдина жавоб бериш инсоний одатларга зидлиги айтилади. Тил туфайли инсон бошига бало орттириш мумкинлиги аллома томонидан таъкидланади.

Қизил тил қилади қисқа ёш сени,
Эсонлик тиласанг, пишиқ тут уни.

Тилиннга маҳкам бўл, бўлар-бўлмас гапларни гапириш инсон бошига бало келтиради дейди аллома. Керак сўзни айтиш лозим, чунки кўпгина фойдлаи сўзлар пинҳон қолса у бефойда бўлиб қолади.

“Қора бошга ёвўз ёвдир қизил тил,
Не-не бошни еди, яна егай бил,
Бошингни ўйласанг, асрагил тилиннг,

¹⁸ Юсуф Хос Ҳожиб Қутадғу билиг. -Тошкент: Юлдузча, 1990, 12-бет.

Истаган онида бошга етар тил.

Аллома тирик киши сўзламасдан юра олмайди, билимли сўзласа суҳбат гулига айланар, билимсиз эса ўз бошига етиши мумкин дейди.

Юсуф Хос Хожиб билимнинг белгиси тил, киши ўнта сўзни ўйлаб, биттасини айтмоғи керак. Ноўрин айтилган киши кўнглини хуфтон қилади, орўсини кетқазади дейди. Сўзни донодан эшитиб, нодонларга қўллаш лозим, шундагина у фойдали бўлади аллома фикрича.

Юсуф Хос Хожиб Ойтўлди тимсолида камтар, доно, ростсўзли инсонни келтиради. Оталар сўзи ақлнинг кўзи, Ойтўлди ўғли Ўгдўлмишга тил одоби хусусида қатор насиҳатлар қилади.

“Кимки фароғатли кунни истаси, у феъл-атворини созлаши, тўғрилиқ ва ростликни танлаши лозим. Кўпчиликка бош бўлган кишининг йўли адолат, феъли равон, қилмиши эзгулик бўлмоғи, ёмонлардан ўзоқ турмоғи шарт”¹⁹

Нотиқлик санъатининг нодир намуналарини яратишда ёзувчи, шоир, санъаткор ва бошқа маданий-маърифий соҳа вақилларининг хизматлари катта. Юсуф Хос Хожиб ижодида ҳам нутқ маданияти ва нотиқликнинг энг муҳим жиҳати тил ва тил одоби масаласи алоҳида ўрин тутди.

“Қутадғу билиг”да шоирлар хусусда алоҳида таъкидлаб ўтилган. Шоирлар сўз терувчилар дейилади.

Энди шоир қолди, у сўз терувчи,

Тилда олқиш ёки сўкиш берувчи.

Қиличдан ўткирроқ буларнинг тили.²⁰

Шоирни сўзини тинглаб қулоғинга ол, севимли кишининг юзи белгили, тил очса маъноси сўзи белгили дейди аллома.

Асарда сўзлаш билан тинглаш одоби ҳақида ҳам фикр юритилади. Сўрамоқ осон иш, Жавоб бермоқ-мушкул. Бироқ сўзлашдан кўра эшитмоқ афзал дейди. Жаҳонда кўпни кўриб, кўпни синаган донишмандлар оз сўзлаб, кўп тинглашни маслаҳат беришган.

Юсуф Хос Хожиб котиблик, чиройли хат ҳақида ҳам алоҳида тўхтаб ўтади. Аллома фикрича котиб доно, идроклигина эмас, хати-хуш, сўзи гўзал бўлиши лозим.

Хат чиройли бўлса кўнгил очилар,

Ўқиш майли ортар, диллар овунар.

Гўзал хат бирикса балоғат билан,

Ёзилган бўлади камолот билан.

Мутафаккир ёзув хабар беришнинг энг қулай усули эканлиги, барча эзгу сўзлар ёзувда жамланган бўлишин айтади. Агар бизгача сақланиб қолган бу қадар кўп мактуб ва ёзувлар бўлмаганида билим ва ҳикматларни, илм-фанни ҳам англаб бўлмас эди. Юсуф Хос Хожиб мамлкат ишга нафи энг кўп тегадиган уч тоифдан бири котиблиқдир. Ёзувчи-котиб эл ишини осонлаштиради. Ундан машаққат тугунлари ечилади дейди.

Кишилар орасида энг сара ва кераклиси икки тоифадир:

¹⁹ Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг. -Тошкент: Юлдузча, 1990, 32-бет.

²⁰ Ўша манба, 94 бет

Бири-котибидир, бехато хати,
Бири элчи эрур-ширин суҳбати.²¹

Юсуф Хос Хожиб “Қутадғу билиг”да инсонда тил туйғуси тарбияси тугал бўлиши, у алоқа воситасигина эмас суҳбатдошига таъсир этиш, унда эзгу ниятларни юзага келтириш воситаси эканлигини таъкидлайди.

Ушбу пандномаларда рост сўзнинг хосияти, воизнинг сийрати ва сурати масалаларига тўхталиб ўтилади ва нутқни таъсирчан, равон, жозибали, бўлиши-тил одоби масалалари турли ҳаётгӣ ҳикоялар ва тимсоллар мисолида таҳлил этилади ва хулосалар чиқарилади.

Киши кўрки сўзу бу сўз бепоён.
Э тил, мақта эзгу кишини ҳар он!
Масал бор туркчада, бунга қиёслаб.
Ўшани дейин мен сўзимга мослаб.
Уқув кўрки сўзу бу тил кўрки сўз.
Киши кўрки юзу бу юз кўрки кўз.²²

Яъни мутафаккир фикрича киши сўзини тил билан сўзлайди. Сўзлари яхши бўлса, унинг юзи сув олади, яъни обрў қозонади, эътибор топади.

Машҳур пандномаларда нотиклик ахлоқ шаклида, ахлоқ билан чамбарчас ривожланган бўлиб, шахс маънавий қиёфасининг муҳим таркибий қисми сифатида баҳоланган.

Ўрта асрлар мусулмон шарқи минтақаси тафаккурида ахлоқнинг моҳиятини тушунтирувчи ва ахлоқийликни тарғиб этувчи ушбу пандномалар кенг тарқалган бўлиб, ахлоқий меъёр ва тамойилларни қизиқарли ҳикоятлар орқали тингловчиларни жалб этган. Ушбу пандномаларда сўзни эшит, аммо дарров ишона қолмагин, сабрли ва тўғри сўз бўл деб таъкидланади.

Тилингдан чиқарма бу ёлғон сўзинг,
Бу ёлғон туфайли қорадир юзинг²³

Аллома оталар сўзига қулоқ тутиш лозим, ёлғончилик билан машғул бўлса, ростгўйлар орасига сиғмайди деб таъкидлайди. Сўзни олтинга тенглайди, ҳар бир оғиздан чиқаётган сўздан бохабар бўлишни айтади.

Сўзни сўзламасанг соф олтин сана,
Тилдан чиқса мисга тенгдир росмана²⁴

Ушбу сатрларида ҳам бу фикр намоён бўлади.

Ушбу бобдаги фикрларимизга хулоса қиладиган бўлсак;

Шарқ мутафаккирлари меросида нотиклик, нутқ маданияти ахлоқий маданиятнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Ҳар бир киши муомала, тил қонун-қоидаларига, тил одобига, тилнинг нозик томонларига эътибор қаратиши таъкидланади;

Кайковус ва Юсуф Хос Хожиб асарларида кишининг нутқий маданияти унинг умумий маданийлиги даражасини ошиши билан бевосита

²¹ Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг. -Тошкент: Юлдузча, 1990, 62-бет.

²² Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг. -Тошкент: Юлдузча, 1990, 16-бет.

²³ Ўша манба 36 бет

²⁴ Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг. -Тошкент: Юлдузча, 1990, 44 бет

алоқадор ва унинг маданий даражасини кўрсатувчи далил сифатида акс этади;

Кайковус ва Юсуф Хос Хожиб нутқ тилдаги мавжуд ифода воситаларидан фойдаланган ҳолда мавжудликка айланиши ва тилнинг ифода воситалари нутқ ихтиёрига ўтгач ҳақиқатга айланишини таъкидлашар экан, сўзнинг аниқлиги, ростлигига таянишни таъкидлашади.

Қадимги Греция (Юнонистон)да ва Римда нутқ маданиятининг назарий асослари яратилди, нутқ олдига қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилган. Давлатнинг савдо-сотикнинг, суд ишларининг ниҳоятда тараққий этиши нотиклик санъатини юқори даражага кўтарди. Етук инсон бўлиши учун, албатта нутқи равон яъни гўзал бўлишини, нотиклик санъатини эгаллаши шарт қилиб қўйилади. Ана шу эҳтиёж сабабли нотиклик назарияси яратилди. Шунингдек, нотиклик санъатининг ўсишига сабаб бўлган асосий омил Афина ва бошқа давлатларни ҳам қамраб олган синфий курашнинг кучайишидир. Сиёсий арбоблар ўз синфий манфаатларини бошқа ижтимоий гуруҳлар олдида ҳимоя қилишга ва уларга таъсир этишга мажбур бўлганлар. Афиналик у ёки бу шахснинг сиёсий тақдири нотиклик маҳорати билан боғлиқ бўлган. Қулдорлик демократияси ҳақида гапирганда, унинг синфий характерини ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Бу демократия фақат қулдорлар учун эди холос. Қадим замонлардан бери жамоат олдида сўзга чиқиб, одамларга ўз фикрини тушунтириш, бирор нарса. Воқеа-ҳодиса ҳақида гапирганда ишонтириш ва исботлаб беришга интитилш, инсонлар орасидан сўзамол нотикларнинг чиқишига зарурат туғдирган ҳамда нотиклик санъатининг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Бунинг учун эса аввало, маълум ижтимоий шароит ва муҳит зоҳир бўлиши лозим эди. Сўз эркинлиги ана шундай шароитлардан муҳими саналади.

Юнонистонда демократия тизимининг ўрнатилиши натижаси ўлароқ, халқ йиғинларида, сенат кенгашларида, давлат ишларида, суд ишларида мамлакатнинг ҳар бир озод кишиси эркин нутқ сўзлаш ҳуқуқига эга бўлган.

Умуман Юнонистонда нотиклик санъати юқори турар ва қадрланар эди. Юнонлар фақат чиройли нутқнигина юқори баҳолаб қолмай, унинг мазмундорлигига ҳам алоҳида эътибор берарди. Шу туфайли улар кишиларга нотиклик санъатини ўқитишни, ўргатишни бирдан-бир вазифа деб билардилар. Юнонистонда махсус мактаблар ташкил этилиб, уларда ташрибали нотиклар ёшларга нутқ сўзлаш малакасини эгаллаш бўйича дарс берардилар. Юнонистонда нотиклик санъати назарияси – риторика яратилди ва бир қатор таниқли нотиклар пайдо бўлдики, уларнинг тажрибаси ҳозирга қадар ҳам ўрганилиб келинмоқда.

Гомернинг «Иллиада» ва «Одиссея» асарлари бизга Юнонистоннинг биринчи нотиклари ҳақида маълумот беради. Таниқли Рим нотиғи, назариячи ва педагог Квинтеллиан Гомер асарларида чиройли гапириш ва нутқ сўзлашнинг дастлабки намуналарини кўрди.

«Иллиада» турли типдаги нотиклар ҳақида маълумот берилади. Унда чол Настор нутқида кўтаринқилик ва даъваткорлик, насиҳат ва мурасасозлик, ширинсуханлик ва маъюслик сифатлари хос.

Юнонистон – лўнда, жозибатор нутқнинг Ватани. Греklar Менелай нутқи каби қисқа - лаконизм (фикрни қисқача, лўнда қилиб ифодалаш) усулидаги нутқни жуда яхши тинглар ва ёқтирардилар.

Лаконизм – «лакония» сўздан келиб чиққан бўлиб асли бу сўз қадимги грек давлатларидан Спартадаги бир районнинг номи бўлган. Бу ернинг аҳолиси ўз фикрларини равшан ва қисқа шаклда айтишга лаёқатли бўлганлар. Шундан «лакончасига» сўзлаш усули – лаконизм келиб чиққан.

Фикрни қисқа ва лўнда қилиб ифодалаш ҳозирги вақтда ҳам оғзаки ва ёзма нутқнинг мувоффақиятли томони ҳисобланади.

Перикл. Перикл йирик сиёсий арбобгина бўлиб қолмай, кўзга кўринган нотик ҳам эди. Перикл нутқларининг бирорта тексти ҳам бизгача етиб келмаган. Лекин унинг уста, кўзга кўринган нотик бўлганлиги ҳақида юнон тарихчиси Фукидид маълумот беради. Перикл нутқи фикрнинг чуқурлиги, форманинг соддалиги, самимийлиги билан, тингловчилар психологиясини эътиборга олганлиги билан характерланади.

Периклнинг тажрибасича, яхши нотик фақат яхши гапириш билан кифояланмай, балки аудиторияни ҳам ўзга жалб эта биладиган киши бўлиши керак.

Лисий. Эрамиздан аввалги V аср охири ва IV аср бошларида яшаб ўтган, кўзга кўринган суд нотикларидан бири Лисий эди. Лисийнинг нотик сифатидаги хусусиятларидан бири, ҳамма нотиклар учун зарур бўлган усул – фикрни янгича шаклга солишни жуда осон эгаллаганлигидир. У гапириши лозим бўлган кишининг характерини, ижтимоий аҳолини жуда ҳам аниқ тасвирлаб берувчи нутқ текстини ишлаб чиқишга уста эдики, бу нутқ фақат ўша сўзловчигагина хос бўларди.

Лисийнинг нотик сифатидаги иккинчи хусусияти, ҳикоячилик санъатини эгаллаб олганлигидир. У ҳар қандай воқеликни содда, жонли, қизиқарли шаклда қизиқарли ҳикоя қилишга уста эди. Унинг нотиклик санъатидаги учинчи хусусият – услубидаги аниқлик, соддалик ва табиийлик эди. Унинг фикрича, бирор масала бўйича сўзланган нутқ иккинчи такрорланмаслиги керак, агарда шу нутқни аввалги тингловчилар бир неча марта такрор эшитсалар, нутқ ўз кучини ва ифодалилигини йўқотади. (Бир куни Лисий ўз ҳимоясидаги кишилардан бирига нутқ текстини ёзиб беради. У бундан хурсанд бўлади... «Сен бир нарсани унутяпсан, суд сенинг нутқингни фақат бир марта эшитади», - дейди.) Бу жуда тўғри кўрсатма. Ҳар бир маърузачи шуни билиши зарурки, бир аудиторияда икки уч марта битта маърузани такрор ўқиш мумкин эмас.

Демосфен. Қадимги Юнонистоннинг буюк нотикларидан бири Демосфендир. Унга нотиклик санъати соҳасидаги фаолиятида шараф келтирган нарса улкан сиёсий нутқларидир.

Демосфен нотиклик санъатини ўрганиш учун жуда кўп вақт сарфлайди. Унда жисмоний камчиликлар мавжуд эди – овози паст ва дикцияси ёмон бўлган, кифти асабий равишда титраб турган. Маълумотларга қараганда, Демосфен овозини ўстириш учун оғзига майда тошларни солиб, денгиз кирғоғида нутқ сўзларди ва тўлқин шовқингсуронни босиб кетишига ҳаракат қиларди. Кифтнинг титрашидан кутулиш учун шифтга қилишни шундай илдирадики, унинг ўткир учи кифтга яқин туради ва кифти титрагудек бўлса, қиличнинг учи тегиб оғритарди. Шу йўсинда олиб борилган ўзлуксиз машқлар Демосфенга жисмоний камчиликларни бартараф қилишга имкон берган.

Демосфен нутқи унинг характерини акс эттирувчи ойна эди. Ундаги кучли ватанпарварлик туйғуси нутқларида ўзифодасини топарди. Унинг кўпгина нутқлари македониялик шох Филипга қаратилган бўлиб, уни Афина давлатининг бирданғбир душмани деб билади ва афиналикларни душманга қарши бирлашишга чақиради. Демосфен нутқлари жуда ҳам жўшқин ва шиддаткорлигидан, душманлари уни «ёввойи ҳайвон» деб аташарди. У нутқ сўзлашда максимал ифодалиликка эришишга ҳаракат қиларди. Демосфен нутқи кўл ва бутун гавда ҳаракати, имо-ишоралар билан ўзвий боғланиб кетарди. *(Масалан «О, у бундай эмас!», «Ҳа, бундай эмас!», деган сўзларни айтганда қўл ҳаракатлари ва юз қиёфаси ўзгариши мумкин. Бу сўзларни жўнгина айтиши ҳам уни кучайтириб айтиши ҳам мумкин. Ҳ-Б.)*

Арасту. Арасту нотиклик санъати назарияси – «Риторика» асарини яратди. Бу асар уч қисмдан иборат:

1. Нутқ хизмат қилиши лозим бўлган принциплар тахлили.
2. Нотик учун зарур бўлган шахсий хусусият ва қобилият.
3. Нотик нутқида қўлланиладиган нутқ техникаси, нутқ усулари.

Арастунинг фикрича риторика фанининг биринчи асосчиси Эмпидокл бўлган. Лекин унинг бу соҳадаги иши бизгача умуман етиб келмаган. Эмпедоклнинг шогирди Коракс риторика ҳақида янги иш ёзган бўлиб, у ҳам бизгача етиб келмаган. Энг муҳими Коракс чиройли нутқни «Ишонтирувчи хизмткор» деб таърифлайди.

Нотиклик санъатининг ривожлана бориши унинг принцип ва усуллари кашф этишга ҳам уринишга олиб келди. Натижада чиройли сўзлаш назарияси – риторика майдонга кела бошлади.

Рим нотиклигининг ўзига хос хусусиятлари

Рим нотиклик санъати Юнонистон нотиклик санъатининг давоми сифатида юзага келди. Римдаги иқтисодий ва сиёсий ўсишнинг характери нотиклик санъатининг янгича кўринишини яратди.

Цицерон. Цицерон Рим нотиклариинг яловбардоридир. Цицерон мукамал билим олди ва нотиклик санъатининг муҳим мактабини битирди. Цицерон ижодида икки анъана асосий роль ўйнади. Булардан бири, грек сўз усталари мактаби кенг билим майдони бўлса, иккинчиси, эски Рим нотиклари тажрибаси, биринчи навбатда Катон тажрибаси эди.

Цицероннинг нотиклик санъатидаги мувоффақиятида унинг табиий қобилияти – таъсирчанлик, ҳаётий идрок, чуқур сезгирлик муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Лекин у ҳамма вақт биринчи планга туғма қобилиятни эмас, меҳнатни кўярди: «Киши шоир бўлиб туғилади, нотик бўлиб етишади», - дейди.

Цицерон сўз санъатининг ажойиб вақили сифатида, тамомила янгича йўлдан борди ва биринчи бўлиб Рим республикасида нотиклик назариясини мустақил ривожлантирди. Цицерон сўз санъати назариясига атаб «Брут», «Нотик ҳақида», «Нотик», «Машҳур нотиклар ҳақида» ва бошқа шунга ўхшаш асарлар ёзган. Цицероннинг юқоридаги асарларидан ташқари бизгача 58 та нутқи, 900 та хати етиб келган.

У оммага тушунарли бўлган содда ва равон гапиришни ўрганишга, баландпарвоз, тумтарақай жумлалар, чет эл сўзларидан воз кечиш, оммага хали тушунрли бўлмаган шиорлар, тушунчалар, хулосалардан, бировлар айтиб келган сийқа, тайёр сўзларни такрорлашдан қатъий воз кечишга чақирар эди.

2-мавзу: НУТҚНИНГ МОҲИЯТИ, ТУРЛАРИ ВА КЎРИНИШЛАРИ

Нутқ – инсон томонидан ижтимоий-тарихий тажрибани ўзлаштириш, авлодларга узатиш ёки алоқа ўрнатиш, ўз шахсий характерларини режалаштириш ва амалга ошириш мақсадида тилдан фойдаланиш жараёни. нутқ ахборот, хабар, маълумот ва янги билим бериш, ақлий топшириқларни ечиш фаолиятдан иборат. агар тил алоқа воситаси бўлса, нутқ айнан шу алоқа жараёнларини амалга оширилишидир.

Узоқ даврлардан буён кишиларнинг ўзаро муносабатларида, улар бир-бирларини тушунишларида, фикр алмашишларида нутқ, нутқий муносабатлар ҳамиша муҳим аҳамият касб этиб келган. бугун замон талабига мос равишда тилнинг коммуникатив-функционал тамойилига асосан нутқий фаолиятга эътибор кучайди. нутқий фаолият тил ва нутқ диалектикасига мувофиқ тарзда рўёбга чикувчи ҳодиса бўлиб, унинг ҳар қандай тури сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги ўзаро муносабат воситаси ҳисобланади.

Нутқнинг моҳияти унинг маданийлиги, оммавийлиги ва ижтимоий қиммати билан белгиланади. «Маданий нутқ», «нутқ маданияти», «нотиклик» деган иборалар бор. Нутқнинг характери ана шуларнинг моҳиятини билиш билан изоҳланади. Уларнинг лингвистик бирлик сифатида ўз хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар инсонларнинг ўзаро фикр алмашишдаги нутқий жараённинг босқичли шакллари дейиш мумкин. Ана шу шакллар тўғри нутқ, нутқ маданияти – нотикликдир.

Тўғри нутқ - ҳозирги адабий тил меъёрларига риоя қилиб тўзилган нутқдир.

Юқори нутқ маданияти - фикрларни тил воситалари билан тўғри, аниқ ва таъсирчан қилиб бера олиш маҳорати. *Нотиклик* эса оғзаки нутқ маданиятининг юқори даражаси, етук нутқий санъатдир. Нутқ маданияти

аслида, адабий тил мезонлари асосидаги, нутқий фаолият, нутқий малака, нутқий кўникма бирлигидан иборат. Адабий тилсиз нутқ маданиятини тасаввур қилиб бўлмайди. Адабий тил нутқ маданиятининг тўғри сўзлаш ва ёзишнинг ўлчови ва мезонидир.

Нутқ турлари. Нутқ матни ҳам тингловчиларнинг касб-кори, амалига кўра бир неча хилга бўлинган. Жумладан:

- Юқори табақа вақиллари учун мўлжалланган нутқ;
- Жанговор нутқ;
- Оддий меҳнаткашларга айтиладиган нутқлардан иборат бўлган.

Ўрта асрларда воизлик санъати асосан уч шаклда бўлган:

• **Дабирлик.** давлат мақомидаги ёзишмаларни ёзма баён этиш ва қироат билан ўқиб бериш.

• **Хатиблик.** жума кунлари пешин намози олдидан хутба ўқиш.

• **Музаққирлик.** жума кунлари, ҳайит ва бошқа тантанали кунлардаги анжуманларда хатибдан кейин диний, ахлоқий, ҳуқуқий масалаларни шарҳлаб бериш.

Воизлик санъати тингловчиларнинг, воизларнинг ижтимоий-сиёсий мавқе ва лавозимларини ҳамда бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳам учга ажратилган ва уч хил номланган. уларнинг ҳар бири ёзилиши, ўқилиши, ваъз этиш шартлари, усули, оҳанги ҳам турлича бўлган. булар:

• **Султониёт.** юқори табақа аъёнлари ва зодагонлар учун мўлжалланган нутқ. султониётда ҳукмдорлар шаънига ҳамду санолар айтилган, улар кўкларга кўтариб мақталган.

• **Жиходия.** жанг иштирокчилар учун мўлжалланган нутқ. жиҳодияда жанговарлик, яловбардорлик, ботирлик, қаҳрамонлик, жасурлик, фидоийлик, ватанпарварлик улуғланган.

• **Ғарибона.** унда меҳнат ахлини итоаткорликка, бўйсинишга чақирувчи нутқ мазмуни устувор бўлган.

Нотиқлик санъатида ҳам, нотиқликнинг бир неча турлари мавжуд. жумладан:

• **Ижтимоий-сиёсий нотиқлик.** бунга давлат ва жамият аҳамиятига эга бўлган йиғинларда, мажлисларда ўқиладиган маърузалар киради.

• **Академик нотиқлик.** бу барча турдаги илмий конференциялардаги, диссертациялар ҳимояларидаги маърузалар, бакалавр талабалари учун битирув малакавий иш ҳамда магистр талабалари учун магистрлик диссертациялари юзасидан қилинган маъруза (ахборот) ларни қамраб олади.

• **Аудитория нотиқлиги** эса – университет, институт, лицей ва мактаб ўқувчилари учун дарс маърузаларини ўз ичига олади.

• **Ижтимоий-маиший нотиқлик** – бунга турли тадбир ва йиғинларда, юбилей тантаналарида сўзланадиган қисқа ва лўнда нутқ ёки суҳан сўзлар киради.

• **Саҳна нотиқлиги** (кино, театр актёрлари, концерт бошловчилари ёки концертни олиб боровчи актёрлар нутқи) – бу оғзаки нотиқликнинг алоҳида тури ҳисобланиб, тингловчи томошабинлар учун умумтушунарли бўлган адабий тилда, чиройли талаффуз орқали амалга ошириладиган нутқдир. у яна

бошқа нутқлардан диалогик характери билан ҳам фарқланади. ҳар бир нутқ турлари ўзига хос масъулиятни талаб қилади ва ўзига мос аудиторияни “танлайди”.

• **Телерадио журналистлари нотиқлиги** – бунда кўрсатув ёки эшиттириш олиб бораётган журналист адабий тилда омма учун тушунарли бўлган залда нутқ сўзлаши, сўзларни аниқ ва равшан оҳанг билан талаффуз этиши муҳим. шунингдек, факт ва воқеаларни баён этишда, ўз нутқида қайтариқларга йўл қўймаслиги учун олдидаги матндан фойдаланиши ёки уни мукамал ўзлаштирган бўлиши лозим. тил, нутқ ҳамда ёзув ўзаро бир бутунликни ҳосил этибгина қолмай, оғзаки ва ёзма нутқнинг асосий манбаи ҳамдир. нутқий бўлинишлар сирасидан ўрин олган теленутқ ва радионутқ оммага муайян тилнинг жозибаси ва бойлигини намоён этувчи, етказувчи асосий воситалардандир.

• **Диний ваъзхонлик (нотиқлик)** – бунга жума намозида, амри-маъруфда имом томонидан қилинадиган маърузалар киради.

• **Тўй, “ўртакаш”лари нотиқлиги** – бу ҳолатда “ўртакаш”нинг нотиқлиги унинг билим савияси билан боғлиқ. баъзиларининг гаплари тутуруқсиз, баъзилари маъноли нотиқлик билан тўйни бошқаради.

Нотиқлик санъатининг шакллари ҳам мавжуд бўлиб, булар – монологик ва диалогик нотиқлик ҳисобланади. Монологик нотиқликка маъруза, мўзокара кабилар кирса, диалогик нотиқлик – бахс-мунозара, суҳбат кабиларни қамраб олади.

Нотиқ монологик нутқда тайёр матндан фойдаланиш имкониятига эга, бироқ диалогик нотиқлик бундан мустасно. Бунинг устида мунозара ва бахс жараёнида амал қилиниши лозим бўлган омилларга қатъий амал қилиш талаб этилади. Булар қуйидагилар: миллий-маданий қоидаларга амал қилиш, миллий этикага риоя қилиш, рақибининг гапини бўлмаслик, суҳбатдошга ҳурмат, регламентга риоя қилиш, энг муҳими, сабрли, бардошли бўлиш, ўзини тута билиш, тилига тўғри келган ҳар бир сўзни айтишдан ўзини тийиш, ҳар бир сўзни ўйлаб гапириш, яъни “етти ўлчаб бир кесиш”.

Шундай қилиб, “нотиқлик санъати”ни қуйидаги кўринишларга ажаратиш мумкин:

- Ижтимоий-сиёсий чиқишлар тили;
- Тарғибот ва ташвиқотчилар нутқи;
- Академик нутқ;
- Суддаги нутқ;
- Махсус сўз усталарининг чиқишлари ва бошқалар.

Ижтимоий-сиёсий мавзулардаги чиқишларга одатда масъул кишиларнинг расмий нутқлари, ҳисоботлари киради.

Тарғибот ва ташвиқотчиларнинг чиқишлари одатда, маълум бир масалаларни оммага сингдириш, омма онгидаги тушунмовчилик ва чалкашликларга барҳам бериш, уларни тўғри йўлга солиш, омма учун номаълум бўлган ҳолатлардан уларни хабардор қилиш, айрим нарса-ҳодисалар моҳиятини тўла очиб бериш каби вазифалар билан боғлиқ бўлади.

Ёзма ва оғзаки нутқ маданиятининг хусусиятлари

Нутқ вербал ва новербал туркумдан иборат. Новербал нутқ турли имо-ишора, мимика, пантомимика, эхологик, сигнификация, дактилогик (бармоқ нутқи) кўринишларга эга.

Вербал нутқ – оғзаки, ёзма, манологик, диалогик, полилогик, ташқи, ички, экспрессив, импрессив, ланколоик (йиғиқ), эпик (ёпик), аффектив турларга бўлинади. Тилнинг (орфографик, фонетик, морфологик, синтаксистик, орфоэпик, лингвистик ва бошқалар) қонуниятларига асослаган ҳолда мазмун-моҳиятини ўзлуксиз, тадрижий равишда ахборотга айлантирувчи нутқ тури **ёзма нутқ** дейилади.

Пауза, мантикий урғу, темп, тембр, частота, ритмика ва бошқа ташқилий қисмлар ҳамда механизмлар ўзида мужассамлаштирилган, тилнинг барча қоидалари, қонунлари, шартли белгилар сифатида хизмат қилишга асосланувчи нутқ тури **оғзаки нутқ** деб аталади. Оғзаки нутқ жарангдорлиги, таъсирчанлиги, ахборотларни қабул қилишдаги қулайлиги, ўзатишдаги ихчамлиги, толиқишнинг олдини олиш имконияти мавжудлиги каби хусусиятлари билан ажралиб туради. Миллат маданияти, маънавияти, фан ва техникаси ютуқлари, санъати ва адабий меросини авлодларга етказиб беришда, миллатлараро алоқа ўрнатишда ёзма нутқнинг аҳамияти беқиёсдир.

Жаҳонга Беруний Ибн Сино, Ал-Хоразмийларни берган Мовароуннаҳр алломалари орасида муносиб ўринга эга бўлган Муҳаммад Абу Ҳомид Ғаззолий ўзининг «Ихёу улумид-дин» асарининг «Ҳасад мазаммати баёни»да хат ва нома орқали ҳасаднинг ахлоқий иллат эканлигини бир ривоят орқали кўрсатиб берган эди. Ривоятда келтирилишича, подшоҳнинг олдига келиб юрадиган бир киши доимо унга «Сенга яхшилик қилганга яхшилик қил, ёмонлик қилгувчига эса ёмонлик қилма, чунки қилган ёмонлиги ўзига қайтгусидир» дер экан. Бу кишининг подшоҳ ҳузуридаги обрў-эътиборига бир кимсанинг ҳасади келиб, уни подшоҳга ёмонлайди: «У одамлар орасида «Подшоҳнинг оғзи бадбўй» деган гап тарқатиб юрибди. Агар сўзимга ишонмасангиз уни олдингизга чақириб яқинроқ гапиринг, шунда у оғзини беркитади» деб иғво қилади. Ҳасадгўйнинг гапига кўра, подшоҳ уни хўзурига чорлайди ва унга яқинроқ туриб гапиради. Бир кун олдин тўйиб саримсоқпиез еган халиги одам, ўз оғзидан келаётган сассиқ бўйдан уялиб оғзини беркитади, подшоҳ иғвогарнинг гапи «ҳақиқат» эканлигини англайди.

Бу шоҳнинг шундай одати бор эди: бировга ҳадя ёки мукофот бермоқчи бўлса, унга ўз қўли билан хат ёзиб берарди. Бу гал ҳам худди шундай қилди. Подшоҳ «Хатимни олиб борган кимсани сўйиб, терисини шил ва ичига сомон тикиб менинг олдимга жўнат» деган мазмунда нома битиб, хатни у кишининг қўлига тутқазади. Хат эса тақдир тақазоси билан ҳасадгўйга ҳадя қилинади ва яхши одам қолиб ҳасадгўй ўлимга маҳкум бўлади.

Гарчанд қайғули бўлсада ушбу ривоятни келтиришимиздан мақсад шуки, нома ва мактублар маданий инсон кашф этган мулоқотларнинг энг гўзал, энг таъсирчан ва энг қулай воситасидир.

Ўрта Осиё адабиётларида номалар гарчи мустақил жанр сифатида шаклланган бўлса-да, лекин умуман ёзишмалар оддий халқ ўртасида кенг тарқалмади. Нома, мактуб ва ёзишмаларнинг жаҳон адабиётида, хусусан Шарқ адабиётидаги мавқеи хусусида ғоятда эътиборли фикрларни илгари сурган адабиётшунос олим И.Ғафуров дейдики, «Ёзишмалар ҳам даврлар, ҳам давр одамларининг қиёфаларини келажак насллар олдида равшан қилувчи шаҳодатлардир. Хатларда ёзувчи, ижодкор, унинг шахси ички дунёси шаклланади. Шарқ адабиётлари бу шаҳодатнинг инсон ҳаётида қанчалар муҳимлигини ҳаммадан илгари англади. Ёзишмаларни асарлар ичига турли шакллар ва турли мундарижа йўналишларида олиб кирди»

Хат ёки Мактуб маданияти – ёзув маданияти, ёзма Нутқнинг бебаҳо бўлаги. Мактуб аввало фикрлашга, атрофга разм солиб қарашга, яхши-ёмонни танишга, ҳар нарсага мустақил баҳо беришга, ўз фикрига эга бўлишга, қўзатувчанликка ўргатади. Шулар баробарида мактуб ёзиш инсон ижтимоий фаоллигининг энг ёрқин кўринишларидан биридир.

Камолот келтирмаган, саодатни яқинлаштирмаган, марҳамат туйғусини уйғотмаган ҳар қандай сўз пуч сўздир. Пуч сўзларга ўрганиб қолган халқ қашшоқлик ва разолатлардан қутулишда қийналади. Пуч сўзлар ҳар нарсадан ёмондир. Атрофимизга эътибор берсак, ўзаро мулоқотда сийқаси чиққан, тутуруқсиз, бачкана сўзлар билан тўлиб тошганлигининг гувоҳи бўламиз.

Хат ёки Мактуб маданияти – ёзув маданияти, ёзма Нутқнинг бебаҳо бўлаги. Мактуб аввало фикрлашга, атрофга разм солиб қарашга, яхши-ёмонни танишга, ҳар нарсага мустақил баҳо беришга, ўз фикрига эга бўлишга, қўзатувчанликка ўргатади. Шулар баробарида мактуб ёзиш инсон ижтимоий фаоллигининг энг ёрқин кўринишларидан биридир.

Камолот келтирмаган, саодатни яқинлаштирмаган, марҳамат туйғусини уйғотмаган ҳар қандай сўз пуч сўздир. Пуч сўзларга ўрганиб қолган халқ қашшоқлик ва разолатлардан қутулишда қийналади. Пуч сўзлар ҳар нарсадан ёмондир. Атрофимизга эътибор берсак, ўзаро мулоқотда сийқаси чиққан, тутуруқсиз, бачкана сўзлар билан тўлиб тошганлигининг гувоҳи бўламиз.

Буюк аллома Маҳмудхўжа Бехбудийнинг асримиз бошларида ёзиб қолдирган ўқувчилар учун тўзилган «Китобал-ул атфол» дарслиги ва унда баён этилган хат ёзиш шартлари ва мактуб одобларини халқимиз муомала маданиятининг зийнати сифатида қадрлаш мумкин. Чунончи, мазкур дарсликнинг «Хат ёзмоқ шартлари»да «Ёзилатургон сўзлар ичига ҳар ким билмайтурсон луғат мумкин қадаринча ёзмасга ва инчунин, авомча ва кўчаги иборат ва айб саналатургон калима ва лақабларни ёзмас»ликни айтади. Шунингдек, «Мактубга ҳақорат, таъна, ҳазл, фикс ва гуноҳга талук сўзлар асло ёзилмасун» деб уқтиради.

Шуни таъкидлаш лозимки, ёзма матндан оммавий ахборот воситалари ходимлари, ўқитувчи-муаллимлар ўринли фойдалана билишлари лозим. Қачон матнга қараш ва қачон мустақил гапириш мумкинлигини яхши ўзлаштиришлари зарур. Шу боис ёзма нутқнинг самарали бўлиши ва унинг оғзаки нутқда ифодали баён этилиши учун қўйидагиларни инобатга олиш зарур:

Ёзмоқчи бўлган нарсангизнинг мақсадини тушуниб, аниқлаб олинг. Йўқса нимадан бошлашни билмай бош қотади.

Номани имкон даражасида ўзингиз яхши тушунадиган, лаёқатингиз етадиган тилда баён этинг. Зеро, тушунмасдан қўлланган битта сўз ҳам қатор ноқулайликлар олиб келиши мумкин.

Тушунилиши қийин ва мураккаб бўлган сўзлардан камроқ фойдаланинг. Токи, хат бориб етадиган киши нима демоқчи эканлигингизни тушуниши осон бўлсин.

Хатнинг мазмуни ва кимга йўналаётганлигини хис қилинг. Соф илмий асосга қурилган нома ўқувчини зериктириб қўйиши мумкин.

Хатда иложи борича латиф, чиройли ва мадх этувчи сўзлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Хатни қисқа, лўнда ва мазмунли ёзишга ҳаракат қилинг. Бу сизнинг қандай савияга эга эканлигингизни кўрсатади.

Мактубингизда ҳақорат, сўкиниш ва жаргон сўзларни ишлатишдан тийилинг. Бу сизга нафақат фақат фойда келтиради, балки бу душманингизни сизга бўлган муносабатини ижобий томонга ўзгартириши ҳам мумкин.

Хатда фикрингизни (агар ўрни бўлса) ҳаётий мисоллар орқали баён этинг. Шунда ёзган мактубингиз тушунарли бўлади.

Оғзаки нутқ ёзма нутққа нисбатан анча фаол, жонли жараён. Оғзаки нутқ қўлланиш усулига кўра икки хил бўлади:

1. Оддий сўзлашув нутқи. Бу кундалик ҳаётимизда ўзаро муомала жараёнида ишлатиладиган нутқ.

2. Адабий сўзлашув нутқи. Бу муайян шахслар доирасида тилнинг меъёрий мезонларини қўллаш орқали рўёбга чиқади.

Оғзаки ва ёзма нутқнинг ўзаро боғлиқлиги уларнинг шаклланиш жараёнидагина эмас, балки тараққий этишида, сайқал топишида ҳам муҳимдир. Нотиқ айтмоқчи бўлган фикрини, мақсадини тўлалигича бўлмасида, мақсадининг ҳомаки, қораламасини, қоғозга туширади, режалаштиради. Нимадан нимага ўтиш, қанча тўхталиш, нималарни айтиш ёки айтмаслик ҳақида чизгилар нотиқ сўзлаётган пайтда ҳам унинг кўз олдида худди қоғоздагидек ҳаёлий сурати намоён бўлиб туради. Акс холда нутқ меъёри бўзилиб, вақт чўзилиб кетиши, нотиқни аудитория яхши қабул этмаслиги мумкин.

МУЛОҚОТ ВОСИТАСИ **коммуникация** нутқий (оғзаки ва ёзма), **паралингвистик** (товуш оханги, гап тезлиги, овоз тембри), **кинетик** (ҳатти-ҳаракат, мимика, ҳаракатнинг бошқа шакллари) ва нарса белгили (ҳайкал, расмлар) воситалар тарзида амалга оширилади. Нутқий малакага, кўникмага эга бўлмаган ўқитувчи ёки талаба тилимизнинг софлигини ҳам, бойлигини ҳам намоёйиш эта олмайди. Чинакам нотиқ нутқ техникаси - овоз, нафас, тўхталиш, оханг каби нутқнинг ифода воситалари, машқий жараён билан чегараланиб қолмасдан балки нутқий маҳорат нутқий фаолият қирраларини эгаллашга интилиши, назарий маълумот ва амалий машғулотни уйғунлаштира олиши зарур.

Нотик нутқининг маданийлиги – унинг билим даражаси, ақл-идрокининг кўлами, фикрлашдаги етуклиги билан бир қаторда – она тилининг бойлигидан фойдалана билишига ҳам боғлиқ. Донишмандлар айтганларидек, тил – инсонларнинг энг муҳим алоқа воситаси. Шу боисдан у ижтимоий ҳодисадир. Нутқ архаик, хорижий, лаҳжага хос сўзлардан холи, соф, ихчам бўлгани, унда сўзлар кам, маъно кўп бўлгани яхши; нутқ ўткир, яъни жарангдор, мантиқий ва стилистик урғули, равон, ҳаммага тушунарли, дона-дона қилиб сўзлангани маъқул. Тил – ҳар бир нотик аинг куроли, фикрнинг бевосита воқеликка чиқишидир. Донолар таъкидлаганларидек, инсон ақд-заковати, тафаккури ва онганинг энг бой ютуқлари, теран билимлар, кенг миқёсли илм-фанлар, оташин ҳис-туйғулар нутқда очиқ-ойдин, жарангдор ва жозибадор ифодаланмаса, кўпчиликка номаълум бўлиб қолаверади. Бинобарин, нотик нинг, нотикнинг вазифаси баён этиладиган фикрларни талаба, аспирант, тингловчилар бевосита қабул қилиб олишига эришишдан иборат.

Бу эса нотикнинг ўз фикрини қандай шаклда ифода қилишига боғлиқ. Нотик тили тингловчиларнинг ҳис-туйғуларини уйғотадиган, уларни қизиқтирадиган, диққат-эътиборини нутқ мавзуига жалб этадиган бўлиши лозим. Мавзуни тушунарли ва ишонарли қилиб баён этиш нотик муваффақиятининг гаровидир. Тил – моддий ва маънавий ишлаб чиқариганинг самараси; ўзлуксиз саъй-ҳаракат, имо-ишора, баҳслашув ва мулоқот оқибатида вужудга келган маънавий бойликнинг биллур қотишмасидир. Тил - ҳар қандай миллатнинг қалби.

Нотик нинг нутқ маданиятини эгаллашида она тилидан кейинги асосий ўринни бадий адабиёт эгаллайди. Уни муттасил ва мунтазам ўқиб бориш нотикнинг сўз бойлигини оширишига, тасвирли ифодаларни, бадий ибораларни кўпроқ эгаллаб олишига, халқ орасида кенг тарқалган адабий тил бойликларини териб, ўзлаштириб олишига катта ёрдам беради. Бадий адабиёт нотикни маиший турмуш, ижтимоий ҳаёт билан ўзи билганидан кўра чуқурроқ таништиради, фикрлаш миқёсини янада кенгайтиради, маданий савиясини оширади, мантиқий тафаккур салоҳиятини бойитади.

Бадий адабиётни мунтазам ўқиб борадиган халқ олдида тез-тез сўзга чиқиб турувчи нотик, раҳбар ўз нутқида бадий тасвирлардан ўринли фойдаланади, ҳаётдага айрим воқеаларни, шахсларни бадий адабиёт қаҳрамонлари билан таққослаш имкониятига эга бўлади, натижада унинг нутқи жонли, ҳаётий, таъсирли бўлади. Нотикнинг сўз бойлиги катта ва хилма-хил бўлса, унинг нутқи жозибали ҳамда кўркем бўлади. Бунинг учун ўз мутахассислиги соҳасидаги барча асосий тушунча, атама ва категорияларни пухта билиши, ўз ўрнида, яъни аралаштирмасдан, алмаштирмасдан қўллай олиши керак. Шу билан бирга, у илмий, сиёсий адабиётни, жумладан юртбошимиз асарларини, бадий адабиётни диққат билан, синчиклаб, муттасил ўқиб бормоғи лозим. Нотик нинг сўз бойлиги қанчалик кўп бўлса, эътибори, нуфўзи шунчалик баланд бўлади, тингловчи ва талабаларнинг онгига таъсири кучли бўлади.

Нотикнинг асосий қуроли – сўз. У ўткир, кўп қиррали бўлиши, вақт ўтиши билан ўтмаслашиб бормаслиги лозим. Бунинг учун нотик бадий адабиётни, изоҳли луғатларни, қомусларни кўп ўқиши, мутолаа қилиши, нотаниш сўзларни ён дафтарига изоҳлаб ёзиб олиши, вақти-вақти билан такрорлаб туришини тавсия этамиз. Бироқ, нотик сўз, атама (термин), ҳикматли сўз, мшсол, идеоматик (аниқ таржима қилиб бўлмайдиган) ибораларни нафақат билиши, балки уларни моҳирлик билан ўз ўрнида ишлата олиши, жонли, қизиқарли, равон, тушунарли, зериктирмайдиган қилиб сўзлай олиши ҳам зарур. Шундагина унинг ваъзи, маърузаси бадҳазм бўлмайди, талабаларни ўзига занжирбанд қилиб олади, шунда улар вақт ўтганини ҳам, чарчаганларини ҳам билмай қоладилар. Нотик нимани гапиришигина эмас, балки қандай гапиришни ҳам билиши керак. Моҳир нотик нутқ маданиятини тарғиб этувчи, бунга қизиқувчиларга мураббийлик, устозлик қилувчи киши ҳамдир. Нутқ маданияти назариётчиларидан бири айтганидек, ўз она тилини ўрганиш, ундан моҳирона фойдаланиш - улуг иш; агар киши тилни аниқ-равшан билиб олмаса, инсоният тафаккурининг энг буюк ютуқлари, энг чуқур билимлар ва ғоят оташин ҳис-туйғулар унга номаълум бўлиб қолаверади; бинобарин, сўз фикрни ифодалаш қуролидир.

Нотик сўзлаётганда ўз-ўзидан мамнун бўлиб, тингловчиларни мудроқ бостирадиган ва кўнглини ёқимли хомхаёлларга чулғайдиган дабдабали сўзларни ишлатиши керак эмас; аксинча, талабалар қалбида фуқаролик туйғусини, жасоратини, миллий истикдоддан фахрланиш ҳисларини муттасил жўш урдирадиган, фидокорликка, фаолликка даъват этадиган таъсирчан ибораларни, қалбларни ғафлат уйқусидан уйғотадиган илҳомбахш сўзларни танлаши керак.

Маъруза ўқиётганда ортиқча сўзларни, кириш гапларни, писанднамо ибораларни билдирадиган жумлаларни асло ишлатмасликни тавсия этамиз. Улар сирасига баъзи ношуд, нўнок ўқитувчилар ҳадеб такрорлаб, ишлатаверадиган: *ўртоқлар, биласизми, кўрибсизки, мен сизга айтсам, сирасини айтганда, деди, аптаплик, демак, иннажесин* каби "нишхўрд", "хашаки", "текинхўр" сўзлар киради. Яна баъзи нотик лар *аммо-лекин, ва яна буткул, шуни уқтириш керакки, шуни таъкидламоқ лозимки, ниманинг нимаси, ану, ману* каби ўринсиз, бемаъни сўз ва ибораларни ишлатадилар. Нотик буларга асло йўл қўймаслиги лозим; акс ҳолда нутқнинг "суви кўп-у, тўзи оз" бўлади, тингловчиларнинг жиғига тегади, фикрини чалғитади, зериктиради, вақтини олади, нотикнинг обрўсини туширади; баъзи тингловчилар, нутқни тинглаш ўрнига унда ишлатилган "хашаки" сўзларни санаб ўтирадилар. Бу сўзларни ҳадеб такрорлайвериш нутқнинг сифатига жуда салбий таъсир кўрсатади, нутқнинг мазмунини сийқалаштиради, адабий тилни булғайди.

Ҳар бир нотик сўзлаганда фалсафий маданият талабларига доим риоя қилишни тавсия этамиз. Бу маданиятнинг талабига биноан, ёзишда, сўзлашда *тушунча, категория, атама ва термин; цонун, ва принцип; теорема, аксиома, гипотеза* кабиларни фақат ўз ўрнида, алмаштирмасдан, айнийлаштиришдан ишлатиш шарт. Лекцияда халқ оғзаки ижодига мансуб

ҳикматли сўзлар, рубоий, тўртлик, қизиқ-қизиқ иборалардан фойдаланиш талаб этилади. Бадиий тасвир, қиёслаш, ҳажвия (юмор) кабилар маърузани қизиқарли қилади; талабаларни зериктирмайди: мудратиб, пинакка кетказиб кўймайди, хордиғини чиқаради.

Нотиқ ҳамиша сўзларга торлик, мазмунга кенглик зарурлигини унутмасин. У кўп ва теран фикрласа, оз гапиради; чунки оз сўзга кўп мазмун сингдиришга интилади. Баён этиладиган масаланинг мазмуни аввал пухта ўйлаб олинган бўлса, сўзлар беихтиёр қуйилиб келаверади. Шунда нотиклик гўё фикр наққошлига бўлади. Тил бойлига – тафаккур бойлигининг, тил қашшоқлиги – фикр қашшоқлигининг ифодаси эканлигини қуйидаги мулоҳазалар тасдиқлайди: агар нотик нинг нутқи ланж, суст, пойма-пой, нўноқ, мужмай, қовушмаган бўлса, демак, унинг фикрлаш қобилияти ҳам шукдайдир. Ҳар бир нотик ўз нутқида аниқлик, равшанлик, жозибадорликка эришмоғи зарур; бу эса воиздан сўзлашда қисқапик, лўндапик, ихчамликни тапаб этади. Тилдаги аниқ-равшанлик - тиник фикрнинг ташқи ифодаси, чунки шундай фикргина равшан сўзлашни таъминлайди. Сўзлашдаги ноаниқлик, шубҳасиз, фикрдаги ноаниқдикнинг белгисидир. Қайси нотик аниқ-равшан фикр қилса, уни худди шундай баён этади. Тилнинг, маънонинг аниқдиги, ўткирлигига интилиш нотиклик санъатини эгаллаш учун курашишдир; бу кураш қанчалик кескин, ўткир, аниқ йўлга солинган бўлса, нутқ шу қадар самарали бўлади. Сўзга жо бўлмайдиган ҳеч бир мазмун йўқ. Нотиқ нинг нутқидага сўзлар - фикрларининг ифодасидир, шу боис бу сўзлар ифода этилаётган фикрга мувофиқ бўлмаса, сўз ҳам мужмал, мавҳум бўлади. Моҳир нотикдагина фикр равшанлиги ифода аниқдига билан ҳамоҳанг бўлади.

Нотикларга тавсиямиз шуки, улар нимани гапириш ҳар доим ҳам зарур бўлавермаслигини ва қандай гапириш доимо лозимлигини унутмасинлар. Энг қимматли ғоя, фикр, дастур ҳам, агар маҳоратсиз ифодаланса, ўзининг қийматини йўқотади; мабодо такрорланаверса, тингловчини диққинафас қилади. Демак, фикрнинг аниқдиги ва равшанлиги ифоданинг ҳам шундай бўлишини таъминлайди. Донолар талқинича, тил, сўз, нутқ равшанлига фикр, ҳатто тафаккурнинг шундай бўлиши оқибатидир; равшан фикр эса ўз шакли-ифодаси ҳам равшан бўлишини тақозо этади. Нотиқ нимани аниқ тасаввур этолмаса, уни чалқаш гапиради; ноаниқ ифода фақат шундай фикрнинг намоён бўлишидир. Оддийгина, яъни ҳаммабоп, аниқ-равшан, осонгана тушуниб, эслаб қоладиган қилиб сўзлаётган нотикқа такдид этиш (эргашиш) аввалига жуда осондек туйилади; аммо аслида бундан қийинроқ иш йўқ. Нотиқ мясига аниқ фикр келса, у равшан сўзлайди, аммо бу фикрни онгига сингдириб олса, янада равшанроқ гапиради.

Нотик фикридаги хатолар, ноаниқликлар Нутқдаги хатоларни, улар эса, ўз навбатида, ишдаги, амалдаги хатоларни келтириб чиқаради, талабаларни чалғитади. Нотик тилининг гўзаллиги, биринчи навбатда, унинг аниқлига ва мазмундорлигидадир. Оддийгина қилиб, равшан баён этиш мумкин бўлмаган ҳеч бир фикр, ғоя ёки таълимот йўқ. Бинобарин, аниқлик нутқнинг асосий фазилатидир. Нотикнинг тили, сўзи қанчалик оддий бўлса, шунчалик равшан

бўлади; сўз қанчалик ўз ўрнида ишлатилса, нутқни шунчалик кучли, жозибали ва ишончли қилади.

Буюк ақл соҳибларида оз сўз билан кўп маъно бериш хислати мавжуд бўлгани каби, "моҳир нотик, устаси фаранг нотик ҳам "оз сўзла-ю, соз сўзла", деган мақолга амал қилади. Маъқул сўзласанг, ҳеч қачон кўп сўзламайсан, агар ўзайиб кетса, энг яхши нутқ ҳам тингловчини чарчатади, деган ҳикматларга риоя қилиш энг яхши фазилатлардандир. Бундай нотиклар – нотиклик жавоҳирининг худди ўзгинаси: салмоғига қараб нур таратади. Улар асл донолик қисқа ифодаланани, деган қоидага бўйсундилар. Улуғ драматурглардан бири айтганидек, гап кам жойда унинг салмоғи кўп бўлади. Қисқа, лекин ифодали ибора бир бор эшитиб англани, тингловчи хотирасида муҳрланиб, унинг шиорига айланади, ўзундан-ўзук мулоҳазаларда эса бундай бўлмайди. Нотик фикрининг чуваланмаслига, аксинча, тингловчилар ҳўзурида эркин парвоз қилиши учун гапда қисқалик лозим, чунки фикр ортикча, "нишхўрт" сўзлар уюмида чалкашади. Нотик қанчалик моҳирона сўзламасин, керагидан ортнқ, яъни мавзуга тегишли бўлмаган гапларни айта бошласа, пировардида нутқ мантиғини йўкотади, тингловчилар мийиғида кула бошлайдилар.

Хуллас, Нутқдаги аниқлик қисқалик билан уйғунлашганда таъсирчан, хотирада сақланувчан бўлади. Ҳар бир нотик, хусусан олий ўқув юртининг раҳбари ўз нутқидаги йирик, махсус масалаларни баён этиб бўлгач, уларнинг ҳар бири бўйича, нутқ пировардида эса бутун нутқи бўйича қисқа, аниқ, равшан, иложи бўлса саналган тарзда хулосалар чиқариши шарт. Акс ҳолда, улар мантиқ фанининг тезис, мантиқий асос, ҳукм ва синтез, яъни умумлаштириш, хулоса чиқариш зарурлиги ҳақидаги талабини бўзган бўладилар. Агар ваъз, маъруза, суҳбатдан тегишли хулосалар чиқарилмаса, улар мантиқий ниҳоясига етмай қолади, тингловчиларда тугалланган, мукамал фикр ҳосил бўлмайди. Бунинг устига, хулоса чиқармаслик нотикнинг билими чала, ўзи уқувсизлигидан ҳам далолат бериши мумкин. Нотик саволларга жавоб беришда осон йўл танлаб, оддийгина *ҳа, йўқ, менга маълум эмас*, деб қўя қолиши ношудлик аломатидир. Ҳар бир саволга чуқур ўйлаб, мазмунини аниқ билиб, унинг ортида нима мақсад ётганини, назарда тутиб, қоникарли жавоб бериш зарур. Тингловчилардан ҳар хил саволлар тушиши, савол пардаси ортида нотикнинг бирор фикрига эътироз ёки синов бўлиши мумкин. Шундай экан, нотик тушган ёзма ёки оғзаки саволга тўла жавоб бера олиши, ўз нутқида олға сурилган ҳар бир фикр, ғояни қаттиқ ишонч билан ҳимоя қила олиши шарт. Мабодо, нотик бирор саволга шу тобда аниқ-равшан, тўлиқ жавоб бера олмаса, тахминан, "савол жуда ўринли, долзарб масалага бағишланган, мен жавоб берар эдим, бироқ бу масалани чуқур ўйлаганим йўқ, уни ўрганиб, тегишли кишилар билан маслаҳатлашиб, кейин жавоб бераман", деб қўя қолгани маъқул. Мужмал, ноаниқ жавоб бергандан кўра, жавоб бера олмаслигини мардларча тан олган яхши. Агар савол маърўза, нутқ мавзуга кирмаса, буни ҳам очиқ айтиш мақбулдир. Маърўзани жонлантиришда баҳслашув, мулоқот, яъни бошқа бир шахснинг

фикрини келтириб. унга зид ёки ундан фарқди фикрни келтириш ҳам яхши самара беради. Бу усул тингловчиларни фаоллаштиради.

Хуллас, нутқ маданиятию нотиклик санъатининг ғоят муҳим таркибий қисми, нотик нинг масъулияти ва маҳоратини ифодалайдиган шартлардан бири – нутқдаги ҳар бир масаладан, унинг ниҳоясида эса бутун нутқдан қисқа, лўнда, аниқ хулосалар чиқариш; оғзаки ва ёзма саволларга қисқа, аниқ жавоб бериш; баҳслашишга тўғри келиб қолса, ўз мавқеи, нуқтаи назарини қаттиқ ишонч билан, астойдил ҳимоя қилишдан иборат.

Нотик нутқига қўйиладиган талаблардан бири шуки, нутқ матни бадиий жиҳатдан пухта, тили адабий, сўзлари жарангдор, жумлалари ёқимли, гаплари лўнда, лекин мазмуни чуқур, маъно теран бўлиши керак. Нотик ўз талабаларини қизиқтириш, уларга бадиий озик бериш учун ўткир ибора, мақол, рубоий, ҳикматли сўз, ифодали тавсифлардан зеб берувчи воситалар сифатида фойдалансин. Нутқ бадиий бўлиши лозим, деган тавсиядан у баландпарвоз, дабдабали гаплардан, ясама иборалардан, истемолдан чиққан сўзлардан иборат бўлса ҳам майли, деган хулоса келиб чиқмайди. Нотикнинг иутқи равон бўлиши учун ҳар бир гапнинг сўзлари муайян тартибда жойлашиши зарур. Олдин гапнинг эгаси, сўнг унинг иккинчи даражали бўлаклари, охирида эса кесими айтилади.

Нотик сўзлаётган пайтида жумлаларнинг ўзаро муаносиблигига, яъни нисбатдошлигига қатъий риоя қилиши лозим. Кетма-кет уюшиб келадиган жумлалар воситасида баён этиладиган ва мураккаб фикрни ифода этадиган қўшма гапларда бу қоидага риоя қилиш айниқса муҳимдир. Шунда гапларгина эмас, жумлалар ўртасида ҳам мантикий боғланиш ҳосил бўлади. Бундай боғланишнинг бўзилиши фикрни чигаллаштиради, баъзан унинг нутқини батамом барбод этади.

Нотиклик санъатида нотик нинг талаффўзи ҳам ғоят катта аҳамиятга эга. Бунга нутқни баён этиш оҳанги, тиним, мантикий урғу, нутқ суръати, товушни созлаш каби жиҳатлар киради. Нотик сўзлаётганда овознинг гоҳ баланд, гоҳ паст бўлиб товланишига алоҳида эътибор бериши керак. Бусиз жумла қандай оҳангда, урғу, талаффўзда айтилишига қараб турлича маънони англатиши мумкин. Масалан, профессор-ўқитувчи Нутқ сўзлаётганида талабаларга қараб "ўрнингиздан туринг", "ўтиринг" деган сўзларни ишлатиши мумкин. Булар қандай талаффўзда этилишига қараб илтимос, ялиниш, истак маъноларини ҳам, буйрук, дўқ-пўписа, талабни ҳам англатиши мумкин. Нотик нутқ сўзлаётганда бу сўзларни дўқ-пўписа билан, танбеҳ берилаётган кишининг иззаг-нафсини ерга урадиган тарзда талаффўз қилмаслиги керак.

Нотикнинг нутқи ифодали бўлмоғи лозим. Бунда эса нутқ интонацияси муҳим ўрин тутади. У оҳанг (мелодика), тиним (пауза), мантикий урғу, нутқ суръати каби таркибий қисмлардан иборат. Мелодика нотик овозининг баланд-паст бўлиб товланишидир. Бу товланиш спектрдаги етти хил рангнинг бир-бири билан уйғунлашган ҳолда жилоланиб, нур таратиб туришига ўхшайди. Шунинг учун нутқнинг ифодали, оҳанрабо, товушнинг

ёқимли ва тиниқ, равон бўлиши кўп жиҳатдан мелодикага боғлиқ. У ҳар бир жумла маъноси ва мазмунини ҳис-туйғу воситасида намоён қилиб беради.

Нотиқ ўз нутқининг талаффузига, нутқ сўзлаш оҳангига муттасил ва катъий талабчан бўлмога лозим. Биринчидан, унинг овози жарангдор, баланд, тоза, тиниқ, ёқимли, юмшоқ бўлиши зарур; иккинчидан, томоқни асраш; хасталикнинг, жумладан, шамоллашнинг олдини олиш лозим. Агар овоз бўғиқ, хириллайдиган, сўзлаганда йўталтирадиган бўлса, овоз пардаларини даволамагунча дам беришни, нутқ сўзламасликни тавсия этамиз.

Нутқдаги талаффузда паузанинг ҳам муайян ўрни ва аҳамияти бор. У нутқ жараёнидаги 1-2, ҳатто 3-4 сониялик тиним, яъни тўхталишдир. Интонация мусиқийлик. ёқимли оҳанг, тиниш (паўза), суръат, мантиқий урғу каби бир неча таркибий қисмлардан иборат. Моҳирона танланган интонация нутқни жонли ва таъсирли, ишонарли ва жозибали, тиниқ ва равон қилади. Нутқ сўзлаётган нотиқ да эҳтирос, кўтаринқилик, иймон, эътиқод, шижоат каби ўткир ҳис-туйғулар ҳам жамулжам бўлиши керак.

Хулоса шуки, талаффуз тилнинг юраги (қалби), у тилга биргина ҳис-туйғу эмас, балки ишонч, жозоба ҳам бахш этади. Нутқда сўзларнинг аниқ-равшан, оҳангдор ва жарангдор талаффуз этилиши лекцияни чинакамига гўзал, оҳанрабо, дилнавоз, оромбахш, ибратомуз қилади.

3-мавзу: НУТҚНИ КУЧАЙТИРУВЧИ ОМИЛЛАР. НУТҚДА ИМО-ИШОРА ВА ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Донишманд аждодларимизнинг нақл қилишларича, ҳар бир олимда, воизда билим ва истеъдод деб аталувчи икки азим дарё ўзаро қўшилса, ундан кучлироқ омил топилмайди.

Нутқий маҳорат бу оддий нутқ эмас, балки фикрни сода ва чиройли ифода эта олишдир. Шу боис нутқ маданияти нотиқлик билан бевосита алоқадор бўлса ҳам, улар айнан бир тушунчалар эмас. Санъат маъносидаги нотиқлик нутқ маданиятининг энг юқори нуқтасидан бошланади. Халқ орасида «сўзга чечан», «гапни дўндиради», «гапни қотиради, кийворади» деган иборалар юради. Бу нотиқлик аломатлари бор кишиларга нисбатан қўлланилади. Дарҳақиқат улар нутқий маҳоратнинг илмий асосларидан, унинг сир-асрорларидан воқиф эмас. Муайян маърифий мақсад ёки мавзунини умумлаштириш, композицион яхлитликда тақдим эта олиш салоҳияти уларда унчалик шаклланмаган бўлади. Бироқ ҳар қандай ҳолатда – улфатчиликда, гап-гаштакларда, гўзарлардаги суҳбатларда сўз, назмга ва аскияга мойиллиги юксаклиги билан «улоқни» олиб кетади.

Нотиқлик тингловчи эътиборини тортиш асносида чиройли гапириш ва маҳлиё этиш санъатидир. Амма нутқнинг фақат чиройли бўлиши нотиқ учун кифоя қилмайди: бемаъни сафсаталарни ҳам жуда чиройли қилиб гапириш мумкин. Бу эса нотиқлик эмас, вайсақилик саналади. Нотиқлик нутқ воситасида кишиларга муайян ғоя ва мақсадларни етказишни, уларни маълум

мақсадларга йўналтиришни назарда тутлади. Нотик нутқи 1-2 киши учун эмас, кенг аудиторияга қаратилган бўлади. Шу билан бирга унда нутқнинг мазмуни, мантикий асосларига, мундарижавий тузилишига диққат қилинади. Нотикликда нотик, олдиндан қандай сўзлаш, нимадан бошлаб, нимадан тугатиш режаларини тузиб олиши расм эмас. У гўё тайёргарлик кўрилмаган нутққа ўхшайди. Унда бадиҳагўйлик, ҳозиржавоблик устунлик қилади. Нутқ маданияти тугал фикр, гўзал ифода демакдир. Изчиллик билан бир-бирига мантиқан боғланмаган тугал фикр ва унинг таъсирли ифодаси бўлмаса, у киши қалби, онгига сиғмайди, қабул қилинганда ҳам чуқур англашилмайди.

Нутқнинг тўғрилиги, деганда, даставал унинг адабий тил меъёрларига мос келиши тушунилади. Бусиз бошқа алоқавий сифатлар бўлиши мумкин эмас.

Бир тилга хос хусусиятларни ёки сўзларни иккинчи тилга қўшиб сўзлаш ёки адабий тил меъёрларига мос бўлмаган сўз ва иборалар (жаргон, кўча гаплари)ни қўллаш нутқнинг тозалигига зид. Демак, нутқнинг тозалиги, унинг адабий тил мезонларига мос келиш-келмаслиги, ғайриадабий тил унсурларидан холи бўлишидир. Баъзи ҳолларда кишилар мулоқот мавзуини чуқур билмасдан, фикр ифодалашда қийналадилар ва одатга айланган «Хўш, халиги, анақа, ўша, нимади, дейлик, демакки» каби сўзларни ишлатадилар. Булар тилшуносликда «паразит сўзлар» дейилади.

Нутқ тозалигига салбий таъсир этувчи ҳолатлардан бири вульгар (қўпол сўзларни истифода этишдир. қарғиш, ҳақорат маъноларини англатувчи бундай сўзлар ойнаи жаҳон орқали намоиш этилувчи бадиий фильм ва спектаклларда қаҳрамон қиёфасини, сажиясини, рухиясини, рухий ҳолатини очишда баъзан қўлланилади.

Юқорида кўриб ўтилган нутқий сифатлар билан бевосита дахлдор бўлган омиллардан бири нутқнинг таъсирчанлигидир. Нутқ таъсирчанлиги, асосан оғзаки нутқ жараёнига тегишли. Сўзлаётганингизда эшитувчининг кўз ўнгида тасвирий манзара ҳосил қила олсангиз, образли фикр юритсангиз, ўз сўзингизга ишонтира олсангиз, қизиқтирсангиз, нутқингиз равон бўлади ва таъсир даражаси ошиб бораверади.

Ўхшатиш юзасидан ўқувчилар онгига сингдирилган билим кейинги дарсларда тўлдирилиб, мустаҳкамлаб борилади.

Энг муҳими эса ифодали ўқиш жараёнида ўқувчилардан шошилмасликни, ўқиётган матн мазмунини тўла очиб бериш ва тингловчиларга етказишни, дарсда ўтилган ғоявий-бадиий омилларга эътибор беришни талаб этиш лозим. Токи, бу ўқиш шунчаки тез ўқиш, умуман ўқиш ёки формалистик ўқишга айланиб кетмасин. Бунинг учун эса ҳар бир ифодали ўқувчинибутун борлиғи билан анашу асарга маҳлиё этиш, унда ифодали ўқиш учун завқ ва Рағбат уйғота олиш лозим. Бу фактор ҳар бир ўқувчининг маҳоратига боғлиқ. Бироқ, ифодали ўқиш учун ана шу катта иштиёқ бўлгандагини асарнинг эстетик фазилати яққолроқ очилиб бориши ва адабиёт дарсларининг эстетик бадиий стимули юқори бўлиши ҳар бир ўқувчининг диққат марказида туриши зарур.

Шундай қилиб, «нутқий образ» ҳақидаги тушунчани ўқувчилар онгида шакллантиришнинг прозаик асарни ўрганишда имконият катта. Аммо «нутқий образ»нинг поэтик асарда роли катта эканлигини назарда тутиш керак. Нутқий образлар ҳақидаги тушунчани шакллантира бориш орқали ўқувчида ҳаёт тўғрисидаги тасаввур ўстириб борилади. Ўқувчилар истиора-ўхшатишни онгли равишда тушуниб етмоқлари учун поэтик образ орқали конкрет предмет ва ҳодисаларни яхши билиб оладилар. Нутқий образ мазмунини очишда конкрет мисолардан фойдаланиш лозим, албатта. Бунда ҳар бир шоир ёки ёзувчи ижодидаги оригиналликни ёритиб беришга алоҳида эътибор берилади. Ўқувчиларни ифодали ўзларга қизиқиш ва эътибор уйғотиш учун шу сўзлар мазмунини тушунтириш, сўзлаётган киши фикрини аниқлашдаги бўёқдорлигини аниқлаш лозим. Бадиий нутқ ғоят таъсирчан бўлади. Ундан Ким қандай сўзлаётганини, унинг ғазаб ёки шодлик билан, қайғу ёки қувонч билан фикр билдираётганини пайқаб олиш осон.

Юқорида қайд этилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда нутқ ёрқин ва таъсирчан бўлиши учун қўйидагиларни унутмаслик тавсия этилади:

- Нутқ ёлғонда йироқ бўлиши, нутққа ёлғон аралашмаслиги зарур;
- Нутқ кучли мантқиққа асосланган ҳақиқат асосида қурилиши керак;
- Нутқ далил-исботли фактларга бой бўлиши лозим;
- Нутқ мазмунидан келиб чиқиб, фикр ҳаётий мисоллар орқали ёритилиши мақсадга мувофиқ;
- Эшитувчи учун номаълум бўлган маълумотларни келтирмаган маъқул;
- Нутқ ҳаяжон ва жўшқинлик туйғулари билан йўғрилган бўлиши даркор;
- Нутқда ҳар бир сўзнинг салмоғига эътибор бериш, унинг таъсири кўра билиш зарур;
- Нутқда зиммага юкланган масъулиятни чуқур хис қилиш лозим.
- Ҳар бир нутқда ҳаётнинг бирор-бир долзарб масаласи кўтарилиши керак.
- Нутқда мавзу билан боғлиқ бирор ривоят, латифа, ҳотира ёки образли иборалар бўлиши мақсадга мувофиқ;
- Нутқда билдириладиган муаммо тингловчи ва жамоатчиликка таниш бўлиши лозим.

Фазилатларини икки туркумга бўлар экан аллома Абу Наср Форобий уни «Нутқийа» ва «халқийа»га ажратади. Нутқийа фазилатлари - рухнинг гапирувчи қувватига тааллуқли бўлиб, улар ҳикмат, ақл, ажин (пешонадаги), фаҳм афзаллиги ва заковатдан иборат... Билиш воситалари ва омилларини эса қўйидагилардан иборат, деб кўрсатади, - нутқ, тасаввур, хис. Нарсалар тўғрисидаги билим нутқ қуввати ҳамда тасаввур орқали, шунингдек, хис-туйғу воситасида пайдо бўлади. Ҳар вақт билим ҳосил қилишга ирода кўрсатилса, унинг идроки нутқ қувватининг шаънида яъни марказидадир. Фозиллар шахрининг асосчиси бўлган биринчи Раис 12 та хислатга эга бўлади. Учинчи ўринбосар бўлган шахсга ушбу хислатлардан биринчи

олтитасигина шарт бўлади. Бу шартларнинг бири – гапираётган гапининг салмоқдор ва кам бўлса ҳам, таъсирчан бўлишидир.²⁵

Нотиқлик тингловчи эътиборини тортиш асносида чиройли гапириш ва махлиё этиш санъатидир. Амма нутқнинг фақат чиройли бўлиши нотиқ учун кифоя қилмайди: бемаъни сафсаталарни ҳам жуда чиройли қилиб гапириш мумкин. Бу эса нотиқлик эмас, вайсақилик саналади. Нотиқлик нутқ воситасида кишиларга муайян ғоя ва мақсадларни етказишни, уларни маълум мақсадларга йўналтиришни назарда тутади. Нотиқ нутқи 1-2 киши учун эмас, кенг аудиторияга қаратилган бўлади. Шу билан бирга унда нутқнинг мазмуни, мантииқий асосларига, мундарижавий тузилишига диққат қилинади. Нотиқликда нотиқ, олдиндан қандай сўзлаш, нимадан бошлаб, нимадан тугатиш режаларини тузиб олиши расм эмас. У гўё тайёргарлик кўрилмаган нутққа ўхшайди. Унда бадиҳагўйлик, ҳозиржавоблик устунлик қилади. Нутқ маданияти тугал фикр, гўзал ифода демакдир. Изчиллик билан бир-бирига мантииқан боғланмаган тугал фикр ва унинг таъсирли ифодаси бўлмаса, у киши қалби, онгига сиғмайди, қабул қилинганда ҳам чуқур англашилмайди.

Нутқнинг тўғрилиги, деганда, даставал унинг адабий тил меъёрларига мос келиши тушунилади. Бусиз бошқа алоқавий сифатлар бўлиши мумкин эмас.

Бир тилга хос хусусиятларни ёки сўзларни иккинчи тилга кўшиб сўзлаш ёки адабий тил меъёрларига мос бўлмаган сўз ва иборалар (жаргон, кўча гаплари)ни қўллаш нутқнинг тозалигига зид. Демак, нутқнинг тозалиги, унинг адабий тил мезонларига мос келиш-келмаслиги, ғайриадабий тил унсурларидан холи бўлишидир. Баъзи ҳолларда кишилар мулоқот мавзуини чуқур билмасдан, фикр ифодалашда қийналадилар ва одатга айланган «Хўш, халиги, анақа, ўша, нимаиди, дейлик, демакки» каби сўзларни ишлатадилар. Булар тилшуносликда «паразит сўзлар» дейилади.

Нутқ тозалигига салбий таъсир этувчи ҳолатлардан бири вульгар (қўпол сўзларни истифода этишдир. қарғиш, ҳақорат маъноларини англатувчи бундай сўзлар ойнаи жаҳон орқали намоиш этилувчи бадиий фильм ва спектаклларда қаҳрамон қиёфасини, сажиясини, рухиясини, рухий ҳолатини очишда баъзан қўлланилади.

Юқорида кўриб ўтилган нутқий сифатлар билан бевосита дахлдор бўлган омиллардан бири нутқнинг таъсирчанлигидир. Нутқ таъсирчанлиги, асосан оғзаки нутқ жараёнига тегишли. Сўзлаётганингизда эшитувчининг кўз ўнгида тасвирий манзара ҳосил қила олсангиз, образли фикр юритсангиз, ўз сўзингизга ишонтира олсангиз, қизиқтирсангиз, нутқингиз равон бўлади ва таъсир даражаси ошиб бораверади.

Ўқшатиш юзасидан ўқувчилар онгига сингдирилган билим кейинги дарсларда тўлдирилиб, мустаҳкамлаб борилади.

²⁵ Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт, саодат ва камолот ҳақида. -Т.: Ёзувчи. 2002. 16, 25, 27-бетлар.

Энг муҳими эса ифодали ўқиш жараёнида ўқувчилардан шошилмасликни, ўқиладиган матн мазмунини тўла очиб бериш ва тингловчиларга етказишни, дарсда ўтилган ғоявий-бадий омилларга эътибор беришни талаб этиш лозим. Токи, бу ўқиш шунчаки тез ўқиш, умуман ўқиш ёки формалистик ўқишга айланиб кетмасин. Бунинг учун эса ҳар бир ифодали ўқувчини бутун борлиғи билан анашу асарга маҳлиё этиш, унда ифодали ўқиш учун завқ ва Рағбат уйғота олиш лозим. Бу фактор ҳар бир ўқувчининг маҳоратига боғлиқ. Бироқ, ифодали ўқиш учун ана шу катта иштиёқ бўлгандагини асарнинг эстетик фазилати яққолроқ очилиб бориши ва адабиёт дарсларининг эстетик бадий стимули юқори бўлиши ҳар бир ўқувчининг диққат марказида туриши зарур.

Шундай қилиб, «нутқий образ» ҳақидаги тушунчани ўқувчилар онгида шакллантиришнинг прозаик асарни ўрганишда имконият катта. Аммо «нутқий образ»нинг поэтик асарда роли катта эканлигини назарда тутиш керак. Нутқий образлар ҳақидаги тушунчани шакллантира бориш орқали ўқувчида ҳаёт тўғрисидаги тасаввур ўстириб борилади. Ўқувчилар истиора-ўхшатишни онгли равишда тушуниб етмоқлари учун поэтик образ орқали конкрет предмет ва ҳодисаларни яхши билиб оладилар. Нутқий образ мазмунини очишда конкрет мисолардан фойдаланиш лозим, албатта. Бунда ҳар бир шоир ёки ёзувчи ижодидаги оригиналликни ёритиб беришга алоҳида эътибор берилади. Ўқувчиларни ифодали ўзларга қизиқиш ва эътибор уйғотиш учун шу сўзлар мазмунини тушунтириш, сўзлаётган киши фикрини аниқлашдаги бўёқдорлигини аниқлаш лозим. Бадий нутқ ғоят таъсирчан бўлади. Ундан Ким қандай сўзлаётганини, унинг ғазаб ёки шодлик билан, қайғу ёки қувонч билан фикр билдираётганини пайқаб олиш осон.

Юқорида қайд этилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда нутқ ёрқин ва таъсирчан бўлиши учун қўйидагиларни унутмаслик тавсия этилади:

- Нутқ ёлғонда йироқ бўлиши, нутққа ёлғон аралашмаслиги зарур;
- Нутқ кучли мантиққа асосланган ҳақиқат асосида қурилиши керак;
- Нутқ далил-исботли фактларга бой бўлиши лозим;
- Нутқ мазмунидан келиб чиқиб, фикр ҳаётий мисоллар орқали ёритилиши мақсадга мувофиқ;
- Эшитувчи учун номаълум бўлган маълумотларни келтирмаган маъқул;
- Нутқ ҳаяжон ва жўшқинлик туйғуларни билан йўғрилган бўлиши даркор;
- Нутқда ҳар бир сўзнинг салмоғига эътибор бериш, унинг таъсири кўра билиш зарур;
- Нутқда зиммага юкланган масъулиятни чуқур хис қилиш лозим.
- Ҳар бир нутқда ҳаётнинг бирор-бир долзарб масаласи кўтарилиши керак.
- Нутқда мавзу билан боғлиқ бирор ривоят, латифа, ҳотира ёки образли иборалар бўлиши мақсадга мувофиқ;
- Нутқда билдириладиган муаммо тингловчи ва жамоатчиликка таниш бўлиши лозим.

Тил, нутқ ҳамда ёзув ўзаро бир бутунликни ҳосил этибгина қолмай, оғзаки ва ёзма нутқнинг асосий манбаи ҳамдир. Нутқий бўлинишлар сирасидан ўрин олган теленутқ ва радионутқ оммага муайян тилнинг жозибаси ва бойлигини намоён этувчи, етказувчи асосий воситалардандир. Маълумки, сўз ва нутқ воситасида яқка шахс ва жамоа билан муомалада бўлишга қаратилган ихтисосликлар ибтидоий кўринишларда бўлсада, қадимдан мавжуд. Ҳозирда эса унинг ранг-баранг, замонавий техника воситалари орқали мулоқотда бўлиш шакллари оммалашиб бормоқда. Гарчи шундай эса-да, сўз, нутқ ижтимоий тил бирликларига муносабат ҳамма даврларда бир хил бўлган. Аждодларимиз, сўзни, нутқни илоҳий неъмат, ҳикмат деб қарашган. Уни тўғри ва ўринли қўллай билиш нозиктаб нотикларга, суҳанварларга насиб этгани рост. Юртбошимизнинг Олий Мажлис минбаридан туриб, «Ўз фикрини мутлақо мустақил, она тилида равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни, авваламбор, раҳбар курсисида ўтирганларни бугун тушуниш ҳам, оқлаш ҳам қийин»-деб таъкидлашлари бежиз эмас²⁶. Тўғри таъкидланганидек, гап сўзнинг сони ёки сифатида эмас, балки уларни билиш ва ўз ўрнида қўллай олишдадир.

«Инсон гапирувчи ҳайвондир». Унинг хусусияти ҳайвонликдан ва гапиришдан иборат»-деб таъкидлаган эди мавлоно Жалолиддин Румий. Ҳайвонлик унда доимийдир, айрилмасдир. Сўз ҳам шундоқ. Инсон кўринишидан ҳеч нарса демаса ҳам, ичида ҳамиша гапиради. Бу ҳол гўё лой қоришган сув тошқинига ўхшайди. Тошқиннинг тоза суви инсоннинг сўзи (нутқи) балчиғи эса ҳайвонлигидир. Бироқ, балчиқ унда ўткинчи бўлиб, вақт келиб улардан асар ҳам қолмайди. Яхши ёки ёмон бўлишига қарамай, сўзлар, ҳикоялар ва билимлар қолади...Одамларнинг ёмонликларига сабр қилмоқ гўё ўз нопоклигини уларга суртиб тозаланган кабидир. Сенинг феъли хўйинг таҳаммул билан яхшиланади. Уларники эса зулм ва ёмон муомала сабабли бўзилади. Буни эслаб олдинг ва энди ўзингни покла»-дейдилар²⁷.

Оиладаги ва умуман, жамиятдаги ҳатарли муаммоларни синчиклаб ўрганилса, кўпинча уларнинг келиб чиқиши – ўйламасдан, эҳтиётсизлик билан айтилган қўпол сўзга бориб тақалади. Чиройли сўз эса яхши муомала, меҳр-оқибат калитидир.

4-мавзу: НУТҚ УСЛУБЛАРИ ВА НУТҚ МАДАНИЯТИ

Инсон қаерга бормасин турли хил муҳит ва турли одамлар билан учрашади. Шунинг учун инсон қайси муҳитга борса ўша муҳитга мос сўзларни ишлатиши керак. Акс ҳолда бу инсонларнинг мавқеига салбий таъсир кўрсатади. Маълумки адабий нутқ кўпқиррали хусусиятларга эга. Нутқий фаолият нуқтаи назаридан ёзма ва оғзаки нутққа бўлинади. Нутқнинг иккала акли ҳам ягона адабий тил нормаларига таяниб иш кўради. Оғзаки

²⁶ Каримов И. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.:Ўзбекистон. 1998. 9-бет.

²⁷ Мавлоно Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдадир. -Т.:Ёзувчи. 1997. 67-бет

нутқнинг ўзи икки турга ажралади. Оддий сўзлашув ва адабий сўзлашув. Шунинг учун ҳам нутқ услублари ўрни катта услуб (стиль) термини грекча «stulos» сўздан олинган бўлиб ёзиш учун ишлатиладиган учи ўткирлаштирилган таёкчани билдирган. Римликлар греклар услубини кишиларни ишонтириш санъати деб атаганлар. Ҳиндлар эса нутқни безаш воситаси сифатида қараганлар. Машҳур тилшунос олим В.В. Виноградов услубга шундай таъриф беради: «Услуб - бу жамоатчилик томонидан англаб етилган вазифавий жиҳатдан келишилган, нутқий муомала воситаларининг у ёки бу умумхалқ тил доирасида, ифоданинг ижтимоий нутқ амалиётида худди шундай бошқа бир вазифани бажарадиган манба» дейди.

Ўзбек тилшунослари эса услубга бошқачароқ таъриф беришади. Услуб - тилнинг жамият ижтимоий фаолиятининг маълум томони билан боғланган, ўзига хос луғати, фразеологик бирикмалари, грамматик қурилмалари билан нутқнинг худди шундай бошқа турлардан ўз ички хусусиятлари билан тафовут қилиб турувчи кенжа системадир. Нутқ услублари ўзбек тилшунослигида қуйидаги турларга бўлинади: илмий услуб, сўзлашув услуби, расмий - идоравий услуб, публицистик яъни оммабоп, бадиий услуб.

Сўзлашув услуби. Сўзлашув услуби бу - кишиларнинг доимги кундалик ҳаётида бир-бирлари билан норасмий эркин муомалалари ҳисобланади. Бу услубни биз икки қисмга бўлишимиз мумкин.

А) адабий тил меъёрларига риоя қилинадиган кўриниши **адабий сўзлашув услуби** дейилади.

Б) бундай меъёрларга риоя қилинмайдиган кўриниши **оддий сўзлашув услуби** дейилади.

Сўзлашув услубида кўпинча нутқ диалог шаклида бўлади. Сўзлашув услуби фонетик, лексик, грамматик хусусиятларига эга.

Илмий услуб. Фан-техниканинг турли тармоқларига доир илмий асарлар, дарсликлар шу услубда ёзилади. Мантқиқлик, аниқлик бу услубга хос хусусиятдир. Илмий услуб аниқ маълумотлар асосида чиқарилган илмий хулосалар (қоидалар, таърифлар)га бой бўлиши билан бошқа услублардан фарқ қилади. Бу услубнинг типик жанрларига мақола монография ва илмий маърузалар киради. Илмий-оммабоп услуб илмий маълумот, ахборотни оммабоп тарзда етказиб беради. Илмий услуб ахборотнинг объективлиги, анивлиги, нутқнинг маълумотларга бойлиги, фикрнинг қисқ ва лўндалиги билан ҳам фарқланади.

1. Расмий идоравий услуб. Расмий иш қоғозлари услуби ҳозирги ўзбек адабий тилининг маъмурий ва юридик ишларида амал қиладиган бир кўринишидир. Қонунлар матнлари, фармонлар, буйруқ ва қўлланмалар, шартномалар, ижозатномалар, ҳар хил расмий ҳужжатлар, ташкилотлар ўртасидаги ёзишмалар, шу услубда ёзилади. Бу услуб лексикаси асосан китобий ва нейтрал холис сўзлардан иборат бўлиши билан биргаликда турғун сўз бирикмаларини ҳам ўзи чига олади. Унда профессионал терминалогия мавжуддир.

Оммабоп (публицистик) услуб. Публицистик асарлар (хабар, репортаж, корреспонденция, мақола, очерк, фельетон, памфлет, бош мақола ва

бошқалар) шу услубда ёзилади. Соддалик, тушунарли бўлиш, таъсирчанлик адабий тил меъёрларига риоя қилиш бу услубнинг асосий белгиларидан ҳисобланади. Оммабоп услубнинг радио, телевидениеда ишлатиладиган кўриниши **оғзаки оммабоп** услуб дейилса, газета, журналларда ишлатиладиган кўриниши ёзма оммабоп услуб ҳисобланади. Публицистик услуб ижтимоий-сиёсий билимарни тарғиб қилиш ва кенг халқ оммасига етказувчи восита сифатида бу услуб тилининг ранг-барангалиги орқали кишилар онгига кўпроқ таъсир кўрсатади.

Бу услубда ижтимоий, сиёсий сўзлар кўп қўлланилади. Нутқ таъсирчан бўлиши учун, таъсирчан сўз ва бирикмалардан, мақол ва ҳикматли сўзлардан фойдаланилади. Бундай услубда гап бўлаклари одатдаги тартибда бўлади, кесимлар буйруқ ва хабар майлидаги феъллар билан ифодаланади, дарак, ҳис-ҳаяжон ва риторик сўроқ гаплардан кенг фойдаланилади.

Бадий услуб. Воқеликни бадий образлар (тимсоллар) воситасида акс эттириб, тингловчи ёки укувчига эстетик жиҳатдан таъсир қилувчи услуб **бадий услуб** дейилади. Бадий асарлар (назм, наср ва драматик асарлар) бадий услубда бўлади. Демак, бадий асар кишига маълумот бериш билан бирга, тимсоллар воситасида эстетик таъсир ҳам кўрсатади. Бадий услуб **аралаш услуб** деб ҳам аталади, чунки бу услубда сўзлашув ва китобий услубларга хос ўринлар ҳам учрайди. Бу услубда оддий нутқ сўзлари, шева, вульгаризмлардан кенг фойдаланилади. Бадий нутқ услубида синонимлардан кенг қўлланилади. Бу нутқда муаллиф ва персонажлар ҳам қатнашади. Шунингдек тилнинг тасвирий воситларидан жуда кенг қўлланилади.

5-мавзу: НУТҚНИНГ КОММУНИКАТИВ СИФАТЛАРИ

Ҳар қандай нутқ маълум бир сўзловчи ёки ёзувчи томонидан тингловчи ёки ўкувчига қаратилган матннинг шакллантирилган ташки кўринишидир. Албатта бу йуланган Нутқ тингловчига етиб бориб маълум бир таъсир курсатсагина унга нисбатан яхши Нутқ дейишимиз мумкин. Нутқ ҳар томонлама яхши булиши учун ўз олдига маълум талабларни қўяди. Бу талаблар Нутқнинг асосий сифатлари, хусусиятлари деб юритилади. Улар Нутқнинг тўғрилиги, аниқлиги, мантиқийлиги, таъсирчанлиги, тозаллиги, тушунарлилиги ва мақсадга мувофиқлигидир.

1. Нутқнинг тўғрилиги. «Тўғрилиқ деганда, - деб ёзади В.Г. Костомаров, - Нутқ маданиятининг зарур ва биринчи шarti сифатида адабий тилнинг маълум пайтда қабул қилинган нормасига қатъий ва аниқ мувофиқ келишини, унинг талаффуз, имловий луғат ва грамматик нормаларини эгаллашни тушуниш лозим бўлади». Нутқнинг тугрилиги унинг энг муҳим алоқавий фазилатидир. Нутқ тўғри булмаса, бошқа коммуникатив сифатлари ҳам вайрон бўлади. Нутқнинг тузилиши тўғри булмаса, унинг мантиқийлиги, аниқлиги, мақсадга мувофиқлигига ҳам путур етади. Нутқ тўғри бўлиши учун, асосан, икки нормага – урғу ва грамматик нормага қаттиқ амал

қилишни талаб қилади. Сўзлардаги урғунинг кўчиши билан маънони ҳам баъзан ўзгариб кетиши мумкинлигини эсдан чиқармаслик лозим. Бу ҳам нутқнинг бузилишига олиб келади: Олма-олма; хозир-хозир, йигитча-йигитча; укувчимиз-укувчимиз, янги-янги ва хаказо. Гап таркибидаги бир сўзга тушадиган мантикий (логик) ургуни ҳам маънони фарклашдаги хизмати катта. Грамматик нормага риоя қилиш деганда гап тузиш коидаларидан тугри фойдаланиш, ўзак ва кушимчаларни кушишда хатога йул қўймаслик, келишиқ кушимчаларини ўз урнида куллаш., эга ва кесимнинг мослиги, иккинчи даражали булақларни уларга богланиш конуниятлари тушунилади.

2. Нутқнинг аниқлиги – бу сўзнинг ўзи ифодалаётган воқеаликка мутлако мос ва мувофик келишидир. Аниқлик Нутқнинг мухим фазилатларидан бири сифатида кадимдан маълум. гарб мутафаккирлари ҳам, Шарк олимлари ҳам аниқликни Нутқ сифатларининг биринчи шарти деб хисобланганлар. Аристотель: Агар Нутқ ноаниқ булса, у максадга эришмайди»,- деган бўлса, Кайковус: «Эй фарзанд сўзнинг юз ва орка томонини билгил, уларга риоя қилгил, сўзлаганда маъноли гапир, бу нотикликнинг аломатидир. Агар гапирган вақтингда сўзнинг қандай маънога эга эканлигини билмасанг кушга ухшайсан...» дейди. Аниқлик Нутқнинг фазилати сифатида ёркин ифодалаш кобилияти билан, Нутқ предметининг маъноси билан, Нутқда ишлатилаётган сўз маъноларини билиш билан боглик бўлади. Агар нотик ўзи фикр юритмокчи булган Нутқ предметини яхши билса, унга мос сўзлар танласа ва ўзи танлаган сўзларнинг маъноларига мос вазифалар юкласа Нутқ аниқ бўлиши тайин. Аниқлик икки хил бўлади: нарсанинг аниқлиги ва тушунча аниқлиги.

3. Нутқнинг мантиқийлиги унинг асосий сифатлари тугрилик ва аниқлик билан чамбарчас боглангандир. Чунки грамматик жихатдан тугри тузилмаган Нутқ ҳам, фикрни ифодалаш учун муваффакиятсиз танланган луғавий бирлик ҳам мантиқнинг бузилишига олиб келиши табиийдир. Мантикий изчилликнинг бўзилиши тингловчи ва ўқувчига ифодаланаётган фикрнинг тўлиқ бориб етмаслигига, баъзан умуман англашилмаслигига олиб келади. Нутқни тузишдаги эътиборсизлик натижасида баъзан, хатто, мантиксизлик юз беради. Тушунча мантиқийлиги алоҳида олинган матнда фикрий кетма-кетлик, мантикий изчиллик бўлишини тақозо қилади. Аммо, бу талабни нутқий жараённинг ҳамма кўринишларида ҳам ўртага қўйиб бўлмайди. Масалан: вазилавийлик услубларда, хусусан илмий ва бадий нутқ услубларида бу талабга қандай амал қилинишини олиб курайлик. Илмий услубда ёзилган асарлар яхлит бир тузилишга эга. Унда кириш, асосий кисм ва хулоса мавжуд бўлиб, улар ягона бир халкага бирлашади. Матнда баён қилинаётган фикрлар катъий изчилликда баён қилинади. Бадий Нутқ тузилиши эса, бир оз бошкача. Айтайлик, фикрлар бир маромда баён этиб келинди-ю, бирданига ўзилиш юз беради ва энди бошка воқеалар хикоя қилиниб кетилади. Бу нарса гуё мантикий изчилликка путур етказгандай кўринса-да, аслида ундай эмас. Бадий асарларда, хусусан, кисса, роман каби жанрлардаги кенг планлилик тасвир курилишини ана шундай тузишни тақозо

килади. Мантиқан путур етмаганлиги бундай асарларнинг охирида маълум бўлади. Хулоса қилганимизда, нутқнинг мантикийлиги деганда, яхлит бир система асосида тўзилган, фикрлар ривожини изчил булган, ҳар бир сўз ибора аниқ мақсадга мувофиқ равишда ишлатилган нутқни тушунамиз.

4. Нутқнинг тозаллиги. Нутқнинг тозаллиги деганда, энг аввало, унинг адабий тилнинг лисоний нормасига мувофиқ келиш-келмаслиги тушунилади. Дарҳақиқат, яхши, идеал нутқ ҳозирги ўзбек адабий тили талабларига мос ҳолда тўзилган бўлиши, турли тил, гайри адабий тил унсурларидан холи бўлиши керак. Бу масаланинг лисоний томони бўлиб, Нутқий тозалликнинг нолингвистик жиҳатлари ҳам ундан кам булмаган аҳамиятга эга. Нутқимизнинг тоза бўлишига ҳалакит бераётган лисоний унсурлар, асосан, диалектизмлар ва варваризмлардир. Тугри, улар тилимизда ишлатилиши керак, бусиз булмайди. Чунки, бадиий адабиёт тилида диалектизм ва варваризмлар 17 билан маълум бадиий-эстетик вазифани бажариши, муаллифнинг маълум гоёсини, ниятини амалга оширишга хизмат қилиши мумкин. Айтайлик, муаллиф миллий калоритни бермокчи ёки асар қаҳрамонининг қаерлик эканлигига ишора қилишда диалектизм ва варваризмларга мурожаат қилиши, ҳатто, зарурдир. Масалан: «Ёшулли, санинг кизинг бунда гатирилмаган. Ова, ёшулли. Сан, манглайи қара батқирдор, на сабабда мундоқ ёмон сўзларни элга тарқатдинг» (Мирмуҳсин). Ушбу мисолда диалектизмлар ҳудудий колоритни беришга хизмат қилгани қаби қуйидаги мисолда варваризмлар - чет сўзлар характер яратишда ёзувчига кўмаклашган. «Дубора» яна борди бир ишга шул, (суқиб – нет, - деди, келма дуррак, пошул!) (Мирмуҳсин). Паразит сўзлар деб аталувчи лугавий бирликлар ҳам тил маданияти учун ётдир. Улар, асосан, сўзлашув Нутқида куп ишлатилиб, нотикнинг ўз Нутқини кузатиб бормаслиги, эътиборсизлиги натижасида пайдо бўлади ва бора бора одатга айланиб қолади.

5. Нутқнинг таъсирчанлиги. Нутқнинг таъсирчанлиги деганда, асосан, оғзаки Нутқ жараёни назарда тутилган ва шунинг учун унинг тингловчи томонидан қабул қилинишидаги рухий вазиятни эътиборга олиш ҳам муҳимдир. Яъни, нотик тингловчиларни ҳисобга олиши кишиларнинг билим даражасидан тортиб, ҳатто ёшигача, ўз Нутқининг тингловчилар эшитаётган пайтдаги кайфиятигача кузатиб туриши, ўз Нутқининг тингловчилар томонидан қандай қабул қилаётганини назорат қилиши лозим бўлади. Профессинал билимга эга булган кишилар олдида жун, содда тилда гапириш мақсадга мувофиқ булмагани қаби, оддий, етарли даражадаги маълумотга эга булмаган тингловчилар олдида ҳам илмий ва расмий тилда гапиришга ҳаракат қилиш керак эмас. Хуллас, нотикдан вазиятга қараб иш тутиш талаб қилинади ва ифодаламоччи булган фикрни тулалигича тингловчиларга етказишга ҳаракат қилиш вазифа қилиб қуйилади. Хуш, таъсирчан нутқ деганда қандай нутқни тушунмок керак? Унга Б.Н. Головин шундай таъриф беради: «Таъсирчан нутқ деб нутқ қурилишининг тингловчи ва ўқувчи эътибори ва қизиқишини қозонадиган хусусиятларига айтилади, ўз навбатида шу хусусиятларга эга бўлган нутқ таъсирчан саналади». Омма

тушуна оладиган тилда гапириш, уларни ишонтира олиш нотиклар олдига қўйиладиган асосий шартлардан ҳисобланади. Бунинг учун эса, юқорида айтилганидек, мавзунини яхши билишдан ташқари, уни баён этишнинг аниқ белгиланган режасини бўлиши керак. Нутқдаги фикрларни биринчи ва иккинчи даражали тарзда тузиб, уларни ўзаро боғлаб, тингловчиларга аввал нутқ режасини таништириб, гапни боғлаш лозим. Вақтни ҳисобга олиш нотиклик фазилатларидандир. Чунки, сўзлаш муддати олдин эълон қилиниб, шунга риоя қилинса, агар иложи бўлса, сал олдинроқ тугатилса, тингловчилар зерикмайди. Сўзловчининг ўз нутқига муносабати ҳам муҳимдир, чунки, шундай бўлгандагина қуруқ расмиятчиликдан қочиш бўлади. Сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги алоқа яхши бўлади. Нотик фикрларни ўзи ёки тингловчилар ҳаётидан олинган мисоллар асосида исботлашга ҳаракат қилса, мавзуга доир субъектив фикр-мулоҳазаларини билдирса, нутқ яна ҳам ишонарли ва таъсирли бўлади.

Мустақил таълим машғулоти

1. Қадимги Римдаги нотиклик санъати
2. Буюк мутафаккир нотиклар хусусида.
3. Арастуниги “Риторика” китобида нотиклик хусусида.
4. Бобилон ва Қадимги Мисрдаги нутқ маданияти.
5. Риторика ва санъат. Риторика турлари.
6. Ижтимоий – сиёсий нутқ.
7. Академик нутқ.
8. Ҳукукий – нутқ.
9. Ижтимоий – урф одатларга асосланган нутқ.
10. Диний нутқ.
11. Нотиклик маданияти.
13. Нотиклик санъатида адолат ва ҳақиқат.
14. Нотик шахсига қўйиладиган талаблар.
15. Нутқ одоби.
16. Рим нотиклик мактаблари.
17. Қадимги Римда суд нотиклиги, ҳарбий нотиклик, сиёсий нотиклик, ва эпидейтик (тантанали) нутқ услубининг пайдо бўлиши.
18. Аристотелнинг уч китобдан иборат “Риторика” асарининг нотиклик Нутқ маданияти фанининг моҳияти.
19. Нутқ маданияти ва ахлоқ.
20. Нотиклик ва воизлик санъатининг илк манбалари ва илдизлари.
21. Қадимги Юнон ва Рим нотиклиги тарихи.
22. Қадимий Миср, Ассирия, Бобил, Ҳиндистонда нотиклик санъатига эътибор.
23. санъати ривождаги аҳамияти.
24. Аристотелнинг “Риторика” асарида чиройли сўзлаш ва ишонтириш услублари ҳақида.
25. Аристотель нотиклик санъатини эгаллашнинг беш йўли ҳақида.
26. Лицийнинг нотиклик санъати юнон бадий прозасига қўшган ҳиссаси.
27. Демосфеннинг қадимги Греция нотиклик санъати ривожда тутган ўрни.
28. Цицероннинг уч китобдан иборат “Нотиклар ҳақида” асарида ижтимоий ва сиёсий нутқнинг ўзига хос хусусиятлари.
29. IX-XV асрларда Шарқда нотиклик санъатининг тараққиёти.
30. Буюк Шарқ алломалари нотиклик ҳақида.
31. Куръони каримда чиройли сўз ва сўз қудрати ҳақида.
32. Ҳадиси шарифда муомала одоби ҳақида.
33. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида тил ва нутқ масалалари.
34. Кайковуснинг “Қобуснома” асарида нотикнинг асосий фазилатлари ҳақида.
35. Алишер Навоийнинг “Муҳокаматул луғатайн” асарида тил ва нутққа эътибор масалалари.
36. Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарида нотик амал қилиши лозим бўлган қоидалар.
37. Навоийнинг “Назм ул-жавоҳир” асарининг нотиклик санъати ривождаги аҳамияти.
38. Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асарида машҳур нотик Воиз Кошифийнинг фазилатлари хусусида.
40. Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари бадий нутқнинг гўзал намунаси.
41. “Бобурнома” ўзбек адабий тилини бойитувчи ва тарғиб қилувчи манба сифатида.
42. Нотик ва аудитория ўртасидаги мулоқотга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар.
43. Оммабоп нутқ маъсулияти.
44. Оҳанг ва талаффузнинг нутқ маданиятидаги ўрни.
45. Ижтимоий-маиший нутқ.
46. Матн асосида нутқ сўзлашнинг ижобий ва салбий жиҳатлари.

- 48.Нотиклик санъатида мунозара ва баҳс жараёнида амал қилиниши лозим бўлган омиллар.
- 50.Нутққа тайёрланиш ва нутқ устида ишлашнинг ўзига хос уч босқичи.
- 51.Адабий тил ва унинг нормаларини эгаллаш зарурлиги.
- 52.Тасаввуф таълимотида нутқ одоби масалалари.
- 53.Нотиклик санъатида Форобий таълимотининг тутган ўрни.
- 54.Нотиклик санъатининг мантиқ ва руҳшунослик билан чамбарчас боғлиқлиги.
- 55.Нотиклик санъати ва бадий адабиёт.
- 56.Нотиклик санъатининг бадий нутқ билан алоқадорлиги.
- 57.Нотикликнинг асосий қуроли-сўз санъатидир.
- 58.Нотиклик санъатининг нутқ маданияти билан ўхшаш ва фарқ қилувчи жиҳатлари.
- 59.Нутқ ва шева.
- 60.Радио ва телевидениеда нутқ маданиятининг аҳамияти.
- 61.Замонавий нотиклар ва уларнинг ўзига хос услуби.
- 62.Нутқ маданияти ва ахлоқшунослик.
- 62.Нотиклик асосларининг қадимий манбаи ва илдизлари.
- 63.Қадимги Юнон ва Римдаги нотиклик манбалари.
- 64.Хусайн Воиз Кошифий-нутқ одоби қоидалари ҳақида.
- 65.Нотиклик асослари ва сиёсат.
- 66.Нотиклик ва нутқ маданиятининг бир-биридан фарқли томонлари.
- 67.Муомала маданияти нотиклик санъатида тутган ўрни.
- 68.Қуръони каримнинг нотикликнинг ривождаги ўрни.
- 69.Ҳадиси шарифлар нотик учун асосий манба.
- 70.Аристотель нотиклик ҳақида.
- 71.Цицерон нотик ва нотиклик ҳақида.
- 73.Абу Райҳон Беруний нотикликнинг асосий илдизлари ҳақида.
- 74.Абу Наср Форобий нотикликка ўргатувчи илм ҳақида.
- 75.Кайковуснинг “Қобуснома” асарида нутқ одоби масалалари.
- 76.Алишер Навоийнинг “Маҳбуб-ул қулуб” асарида шарқона муомаланинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида.
- 78.Яхшилик қилиш ва яхши сўз хислати.
- 79.Инсонларга ёқишнинг беш қоидаси.
- 80.Инсонлар эътиборига тушишнинг ўн икки қоидаси.
- 81.Инсонларни хафа қилмасдан уларга таъсир кўрсатишнинг тўққиз қоидаси.
- 82.Оилани янада бахтлироқ қилишнинг ўн қоидаси.
- 83.Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романида бадий нутқ гўзаллиги.
- 84.Ойнаижаҳон ва нотиклик.
- 85.Радиоэшиттиришларида нотиклик санъатининг ўрни.
- 86.Матн асосида нутқ сўзлашнинг ижобий ва салбий томонлари.
- 87.Ёзма ва оғзаки нутқнинг ўзига хос хусусиятлари.
- 88.Нутқ тайёрлашда нималарга эътибор бериш лозим.
- 89.Ижтимоий-сиёсий нутқ ва унинг асосий мезонлари.
- 90.Академик нутқ маъсулияти.
- 91.Ижтимоий-маиший нутқнинг ўзига хос томонлари.
- 93.Диний ваъзхонлик ва унинг таъсирчанлиги.
- 96.Оммабоп нутқ қонуниятлари.
- 97.Муаллимнинг инсонийлик ва нотиклик фазилатлари.
- 98.Аудитория диққатини жалб этиш усуллари.
- 99.Замонавий нотиклик санъатини эгаллаш йўллари.
100. Ўрта Осиёдаги нотиклик мактаблари

Глоссарий

Артикуляция (лот. “articulation” < “articulare” – “аниқ талаффуз қилмоқ”) нутқ орган (аъзо)ларининг товуш ҳосил қилишдаги ҳаракатлари ҳолати. Билиш қобилияти – ўқитувчининг таълим жараёнининг иштирокчилари – ўқувчилар, ота-оналар, ҳамкасблар ва таълим муассасасининг раҳбарлари билан осон мулоқотга киришиш, улар билан муносабатни тўғри йўлга қўйишга ёрдам берадиган индивидуал психологик хусусият

Диапазон (юнон. “diapason” – “барча (торлар) орқали”) – товуш ҳажми бўлиб, унинг чегараси энг юқори ва қуйи оҳанглар билан белгиланади.

Дикция (лот. “diction” – “талаффуз қилиш”) – сўзларнинг аниқ талаффуз қилиниши

Жест (гавда, қўл ва оёқ ҳаракатлари) – муайян ҳодиса ёки объектга нисбатан муносабатнинг гавда, қўл ва оёқ ҳаракатлари ёрдамида ифодаланиши

Интуиция (лот. “intuition” < “intueri” – “синчиклаб, диққат билан қарамоқ”) – мантиқий боғланмаган ёки мантиқий ҳулосага келиш учун етарли бўлмаганда қидирув йўналишлари асосида масалани ечишнинг таркибини бўлган эвристик (унумли ижодий фикрлаш) жараёни

Касбий билимларни пухта ўзлаштириш маданияти – педагог томонидан мавжуд педагогик билимларни пухта ўзлаштириш йўлида амалий ҳаракатларнинг ташкил этилаётганлигини англатувчи сифат

Касбий зийраклик – ўқувчилар руҳий ҳолатларини, дарс, тарбиявий тадбирларни ўтказишга бўлган иштиёқларини тўғри баҳолаш, уларнинг ўзаро ёки педагоглар билан зиддиятларини англаш, ўқувчи ва гуруҳга таъсир кўрсатишда қулай вазиятини танлай билиш

Касбий компетентлик – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиниши

Коммуникатив компетентлик – таълим жараёнининг барча иштирокчилари, жумладан, ўқувчилар билан самимий мулоқотда бўлиш, 68 уларни тинглай билиш, уларга ижобий таъсир кўрсата олиш

Компетентлик (ингл. “competence” – “қобилият”) – фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш

Маҳорат (араб. “моҳирлик”, “усталик”, “эпчиллик”) – 1) бирор иш, касб учун зарур ёки шу соҳада орттирилган усталик, санъат, моҳирлик; 2) бир иш ёки фаолиятни юксак даражада, ҳеч бир қийинчиликсиз, ўта моҳирлик билан бажариш; 3) муайян иш, хатти-ҳаракат ёки касбий фаолиятнинг усталик, моҳирлик билан, санъаткорона ташкил этилишига имкон берадиган билим, кўникма ва малакалар мажмуи

Мимика (юнон. “mimikos” – “тақлидий”) – юз мускуллари ҳаракатлари орқали шахснинг ўз фикри, ҳис-туйғулари, кайфияти ҳамда мавжуд воқеликка муносабатини ифодалаши. Мулоқот жараёнида ахборот алмашиш

воситалари – шахслараро мулоқот жараёнида ахборот алмашинувини таъминловчи моддий ва номоддий нарса, омиллар (оғзаки ва ёзма нутқ, паралингвистик ва экстралингвистик тизимлар, мулоқотнинг ташкилий қўлами ва вақти, кўз қарашлар ёрдамида ташкил этиладиган алоқа, белгиларнинг оптиккинетик тизими (мимика, пантомимика, жестлар – гавда, қўл ва оёқ ҳаракатлари))

Мулоқот – 1) кишиларнинг ўзаро алоқаси, бир-бирларига таъсир кўрсатишлари кишилар ўртасидаги алоқани тиклаш ва ривожлантириш жараёни; 2) кишиларнинг бир-бирларига таъсир кўрсатиши асосида улар ўртасида рўй берадиган ахборот алмашинуви

Мулоқот маданияти – 1) мулоқот жараёнини ахлоқий меъёрлар, ижтимоий талабларга мувофиқ ташкил этиш асосида суҳбатдошни тушуна олиш эҳтиёжи ва қобилиятига эгаллик; 2) педагогик маданиятнинг таркибий элементларидан бири

Нафас олиш – 1) организмга ҳаёт бағишловчи физиологик функция; 2) нутқнинг энергия базаси Нафас олиш техникаси – физиологик функция ёки нутқнинг энергия базаси сифатида нафас олишда қўлланиладиган воситалар мажмуи

Ноёб қобилиятлар – шахсга хос индивидуал психологик хусусиятнинг шундай тури бўлиб, у жуда кам сонли шахслардагина кузатилади ва кўп учрайдиган психологик ҳодиса саналмайди

Нутқ аппарати – нутқни ҳосил қилишда иштирок этувчи органлар.

Нутқли (ёки товушли) **нафас олиш** (фонацион, юнон. “phono” – “товуш”) – нафаснинг нутқ жараёнидаги олиниши

Нутқ маданияти – ўз фикрини нутқ ёрдамида мантиқли, тўғри, образли, аниқ ва ифодали етказиб бериш малакаларининг ўзлаштирилганлик даражаси

Нутқ техникаси – нутқни тингловчи ёки ўқувчига етказишда қўлланиладиган воситалар мажмуи

Нутқ ҳосил қилувчи органлар – нутқни ҳосил қилиш жараёнида иштирок этувчи органлар (ўпка, иккита бронх, трахея, кекирдак, бўғиз, ҳиқилдоқ, ҳалқум, тишлар, бурун бўшлиғи, лаблар)

Пантомимика – педагог томонидан баён этилаётган муайян фикрни алоҳида ажратиб кўрсатишга, маълум қиёфа орқали гавлантиришга имкон беради гавда, қўл ва оёқларнинг ҳаракати

Паралингвистик тизим (юнон. “pará” – яқин, нем. “linguistik” – тил) – мулоқот таркибида сўзли, назарий маълумотларни сўзсиз воситалар билан биргаликда узатилиши англатувчи тизим.

Педагогик маҳоратнинг муҳим таркибий қисмлари – ўқитувчиларда намоён бўладиган касбий маҳорат асосини ташкил этувчи элемент (унсур)лар (педагогик одоб, педагогик билимдонлик, педагогик қобилият, педагогик мулоқот маданияти, педагогик релаксация, коммуникатив таъсир кўрсатиш қобилияти, педагогик такт (назокат), педагогик техника, нутқ техникаси, педагогик ижодкорлик, педагогик тажриба, педагогик маданият) Педагогик мулоқот маданияти – педагогнинг ўқувчилар жамоаси, ота-оналар,

хамкасблар, раҳбарият билан педагогик одоб ва мулоқот талабларига мувофиқ ҳолда уюштириладиган суҳбати

Педагогик мулоқот услублари – ўқитувчилар томонидан педагогик жараёнда таълим иштирокчилари билан мулоқотни ташкил этишда қўлланиладиган усуллар мажмуи (авторитар услуб, демократик услуб, либерал услуб)

Педагогик такт (лот. “tactus” – “дахл қилиш”, “дахлдорлик”, “ҳис этиш”, “туйғу”) – педагогнинг ўқувчилар билан турли фаолият шакллари бўйича ташкил этиладиган мулоқотда мавжуд ахлоқий тамойиллар ҳамда ҳулқ-атвор қоидаларга риоя қилиши, уларга тўғри ёндошиш малакаларига 70 эгаллиги

Педагогик тафаккур – педагогик жараён, вазият ва ҳодисалар моҳиятини, шунингдек, улар ўртасидаги муҳим боғланиш ва алоқаларнинг педагог онгида тўлақонли акс этиши, янги ғояларни илгари суриш, янгиликлар яратиш, шунингдек, педагогик жараён, вазият ва ҳодисаларнинг натижаларини башоратлаш; педагог ақлий фаолиятининг юксак шакли

Ритмика – айрим сўз ва бўғинларнинг айтилиш муддати ва тўхталиши, нутқ ва ифодаларнинг навбат билан ўз ўрнида ишлатилиши

Ритм (юнон. “rhythmos” < “rjeo” – “оқаман”) – нутқда товушларнинг муайян изчиллик, кетма-кетликда асосида такрорланиб келиши, яъни нутқ вазнини ифодаловчи муҳим хусусият

Ташкилотчилик қобилияти – педагог томонидан таълимий ва тарбиявий жараёнларни илмий-назарий, методик ва ҳиссий жиҳатдан тўғри ташкил этилишини англаувчи сифат

Тембр (фр. “timbre” – “кўнғирок”, “белги”, “тамға”, “фарқловчи белги”) – товушнинг товланиши (товуш рангдорлиги, ёрқинлиги, юмшоқлиги ва алоҳидалиги)ни ифодаловчи хусусият

Товушнинг ихчамлиги ва ҳаракатчанлиги – нутқ ҳосил қилувчи органлар фаолияти асосида ҳосил бўлган товушнинг бежирим, йиғинчоқ ва тебранувчан эканлигини англаувчи хусусият

Товуш кучи – нутқ ҳосил қилувчи органлар фаолияти асосида ҳосил бўлган товушнинг қуввати

Товуш пардози – нутқ ҳосил қилувчи органлар фаолияти асосида ҳосил бўлган товушнинг сайқали, безаги

Товуш – чиқарилган ҳавони ҳиқилдоқдан ўтиш пайтида овоз пардаларнинг тебраниши натижасида вужудга келадиган ҳодиса, садо, сас.

Фикрлаш маданияти – педагогнинг мавжуд педагогик вазиятларни инобатга ола билиши, келиб чиққан ҳолда тўғри қарорлар қабул қилиши ва уларни амалиётга самарали татбиқ эта олишини ифодаловчи сифат

Шахсий компетентлик – изчил равишда касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш

Экстралингвистик тизим (ингл. “exterior” – “ташқарида”, нем. 71 “linguistik” – “тил”) – гапираётган шахснинг ижтимоий вазифалари билан

бевосита боғлиқ ҳолда нутқнинг ташкил этилиши (нутқий танаффуслар, кулгу, йўталиш, нафас олиш, йиғлаш, тутилиш ва б.)ни ифодаловчи тизим

Ўз-ўзини ривожлантириш – шахснинг ўзида касбий тажриба, малака ва маҳоратни такомиллаштириш йўлида аниқ мақсад ва пухта ўйланган вазифалар асосида мустақил равишда амалий ҳаракатларни ташкил этиши

Ўз устида ишлаш – шахс ёки мутахассис томонидан ўзини ижтимоий ҳамда касбий жиҳатдан ривожлантириш, камолотга эришиш йўлида мақсадли, изчил, тизимли ҳаракатларнинг ташкил этиши

Қобилият – шахснинг осонлик билан бирон фаолиятни эгаллай олишини таъминлайдиган индивидуал психологик хусусият

Ҳис этиш маданияти – педагогик маданиятнинг таркибий элементларидан бири бўлиб, у педагог томонидан таълим жараёни иштирокчиларининг ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, ўй-фикрларини тушуна олиши, улар билан самарали мулоқотни ташкил этишини билдиради

Ўзбекистон Бадий Академияси
Бадий таълим йўналишларида педагог ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш маркази

«Тасдиқлайман»
Бадий таълим йўналишларида педагог ва
Мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда
Уларнинг малакасини ошириш маркази
Директори _____ Д.Ш.Шукуров
«___» январь 2022 й.

НУТҚ МАДАНИЯТИ
ФАНИНИНГ ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Таълим йўналиши: Малака ошириш

Умумий ўқув соати – 10 соат

Ишчи ўқув дастури Бадий таълим йўналишларида педагог ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш маркази кенгашининг 2022 йил _____ - сонли йиғилишида кўриб чиқилган ва тасдиқлаш учун тавсия этилган.

Тузувчи:

Г.А.Қаршиева – филология фанлари номзоди, доцент в.б.

Такризчи:

**Н.Жўраева – МРДИ, “Ўзбек ва хорижий тиллар” кафедраси доценти в.б.,
филология фанлари номзоди.**

I. Ўқув фанини ўқитиш бўйича асосий кўрсатмалар

Нутқ маданияти фани дастуридан антик даврдан ҳозирги давргача машҳур алломаларнинг нутқ маданиятига оид қарашлари, воизлик санъати, нутқнинг софлиги, нафосати ва гўзаллиги тўғрисидаги фикрлари, сўз қўллаш санъати, нотиклик сирлари, мулоқот маданиятига дахлдор мулоҳазалари ўрин олган. Нутқ ва мулоқот маданиятини юксалтириш, юксак маънавиятли ва юқори салоҳиятли кадрлар тайёрлаш учун адабий оғзаки ва ёзма нутқ меъёрлари билан таништирилади, бу меъёр ва қоидалардан амалий фойдалана билиш малакаси оширилади, фикр маҳсулини нутқ шароити ва вазиятига мос равишда оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри ва раво, таъсирчан ифодалаш, ўзгалар фикрини тўғри ва аниқ англаш кўникмалари ривожлантирилади.

Тил бойлигидан унумли фойдаланишлари учун назарий ва амалий билимлар берилади.

Фаннинг вазифалари:

- нутқнинг қудрати, жозибаси, гўзал ифодаси ва хислатларини тушунтириш;
- нутқ маданияти мезонлари ва меъёрларини ўргатиш;
- нутқнинг ўзига хос хусусиятлари, нутқни етказиб бериш усуллари, нутқ орқали -тингловчилар қалбига таъсир этишнинг мумтоз ва анъанавий намуналари ҳақида маълумотлар бериш;
- нутқ маданиятини эгаллаш орқали шахснинг маданиятлилиқ даражасини белгиловчи хусусият эканлиги, унинг инсон камолотидаги юксак аҳамияти ҳамда инсонлараро мулоқотда муомала маданиятининг муҳим воситаси эканлигини асослаш;
- сўзни талаффуз қилиш, сўзнинг оҳанги каби ёзма ва оғзаки нутқда ифодаланадиган сўз маъносининг назарий жиҳатлари, уларнинг муомала ва мулоқот жараёнидаги кўринишлари, нутқда хатти-ҳаракат, имо-ишоранинг ўрни билан боғлиқ ҳолатларни атрофлича ёритиб бериш.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади:

- маданий нутқнинг талаффуз, лексик, морфологик, синтактик, имловий, услубий, прагматик, ижтимоий, этник, соҳавий меъёрларини пухта билиш ва фойдалана олиш;
- нутқнинг тўғрилиги ва аниқлигини таъминлаши; уни мантиқий асосда туза билиш ва мантиқий хатоликларни аниқлай олиш;
- нутқнинг софлигига, жўялилигига, ифодавийлигига эришиш;
- нутқни бойитиб бориш;
- нутқий стратегия ва тактикани уйғун эга олиш;
- нутқни прагматик вазиятга мослаш;
- муаммоли вазиятлардан нутқий малака асосида чиқа олиш;
- ўзгалар фикрини тўғри англаш кўникмаларига эга бўлиш керак.

II. Маъруза ва амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Маъруза ва амалий машғулотлари мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда ҳар бир академ гуруҳга алоҳида ўтилади. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилади. Кўргазмали материаллар ва ахборотлар мультимедиа қурилмалари орқали узатилади.

1. Маъруза мавзулари

№	Маърузалар мавзулари	Дарс соатлари ҳажми
№	Мавзулар	Маъруза
1.	Нутқ маданияти фанининг мақсади, вазифалари ва аҳамияти	2
2.	Нутқнинг моҳияти, турлари ва кўринишлари	2
3.	Нутқни кучайтирувчи омиллар. Нутқда имо-ишора ва хатти-ҳаракатларнинг аҳамияти	2
4.	Нутқ услублари ва нутқ маданияти	2
5.	Нутқнинг коммуникатив сифатлари	2
	Жами	10 соат

II. Асосий қисм

(назарий ва амалий машғулотлар мазмуни)

1-маву: Кириш. Нутқ маданияти фанининг мақсади, вазифалари ва аҳамияти

Нутқ маданияти фанининг моҳияти. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. Нутқ маданиятининг адабий тил қоидаларига асосланиши. Нутқ-ижтимоий ҳодиса сифатида. Инсон, жамият ва илм-фан тараққиётининг нутққа боғлиқ жиҳатлари. Замонавий инсон тарбиясида нутқнинг аҳамияти.

2-маву: Нутқнинг моҳияти, турлари ва кўринишлари

Нутқ тушунчаси. Нутқнинг мазмуни. Нутқнинг маънавий, ахлоқий ва эстетик моҳияти. Нутқнинг маданий мерос ва қадрият сифатидаги аҳамияти. Нутқ маданиятининг хусусиятлари. Нутқий маҳоратнинг оддий нутқдан фарқи. Тўғри нутқ. Нутқ турлари: сиёсий нутқ; диний нутқ; ижтимоий-сиёсий нутқ; сахна нутқи ва ҳоказо. Нутқ маданиятининг асосий мезонлари. Воизлик санъати ва сухандонлик санъати.

Ёзма ва оғзаки нутқ маданияти. Нутқнинг асосий кўринишлари: ижтимоий-сиёсий чиқишлар тили; тарғибот ва ташвиқотчилар нутқи; академик нутқ; суддаги нутқ; сўз усталарининг чиқишлари ва бошқалар. Оғзаки нутқ маданиятининг аҳамияти. Ёзма нутқдаги мутаносиблик - юксак қадриятларнинг гўзал маданий намунаси сифатида.

3-мавзу: Нутқни кучайтирувчи омиллар. Нутқда имо-ишора ва хатти-харакатларнинг аҳамияти

Нутқни кучайтирувчи омилларнинг муҳим жиҳатлари: нутқ шакллари бойитиш; нутқнинг стилистик маданияти. Нутқ таъсирчанлигининг асосий хусусиятлари: содда, тушунарли тилда гапириш учун махсус стилистик усулларнинг зарурияти; эллипсис, такрор, риторик сўроқ, риторик мурожаат, хитобдан фойдаланиш; мақол, масал ва ҳикматли сўзларни ўз ўрнида ишлатиш.

Нутқ тозалиги нутқ маданиятининг муҳим асоси сифатида. Нутқ тозалигига таъсир этувчи ва тингловчини зериктирадиган салбий ҳолатлар.

Ҳодисани баён этиш қоидалари: таърифнинг ҳодисага мос келиши; кўрсатиш; тасвирлаш; тавсифлаш. Нутқда ифодавийликнинг муҳимлиги. Интонациянинг аҳамияти ва уни қўллаш усуллари.

4-мавзу. Нутқ услублари ва нутқ маданияти

Жонли сўзлашув услуби. Илмий услуб. Расмий услуб. Публицистик услуб. Бадиий услуб.

5-мавзу: Нутқнинг коммуникатив сифатлари

Нутқ сифатлари. Нутқнинг тўғрилиги-нутқ маданиятининг бирламчи шарти. Нутқнинг аниқлиги, мантиқийлиги, жўялилиги, мақсадга мувофиқлиги ва таъсирчанлиги. Тил софлиги, нутқ софлиги учун кураш - умумхалқ иши. Нутқ бойлиги ва таъсирчанлиги, уларга эришиш йўллари.

IV. Мустақил таълим

№	Мустақил таълим мавзулари	Соатлар ҳажми
1.	Амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш	
2.	Шарқ мутафаккирларининг нутқ маданияти ва нотиклик маҳоратига оид қарашлари. Ўрта асар алломалари Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Кошифий, Бобур ва бошқаларнинг нутқ маданиятига оид қарашларини мутолаа қилиш ва ўзлаштириш	
3.	Жаҳон замонавий интеллектуал оламида мулоқот маданияти. Замонавий сиёсат ва жамоат арбоблари ва ишбилармонларнинг сўз қўллаш маҳорати билан танишиш ва ўрганиш	
4.	Фикрни турли нутқий шароит ва вазиятга мос ифодалаш машқлари	
	Жами	

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

Ү. Фани бўйича талабаларнинг билимини баҳолаш ва назорат қилиш

Баҳолаш усуллари	Экспресс тестлар, амалий ишлар, оғзаки сўров, презентациялар
Баҳолаш меъзонлари	<p>5 балл “аъло”. Хулоса ва қарор қабул қилиш; Ижодий фикрлай олиш; Мустақил мушоҳада юрита олиш; Олган билимларини амалда қўллай олиш; Моҳиятини тушуниш; Билиш, айтиб бериш; Тасаввурга эга бўлиш.</p> <p>4 балл “яхши”. Мустақил мушоҳада юрита олиш; Олган билимларини амалда қўллай олиш; Моҳиятини тушуниш; Билиш, айтиб бериш; Тасаввурга эга бўлиш.</p> <p>3 балл “қониқарли”. Моҳиятини тушуниш; Билиш, айтиб бериш; Тасаввурга эга бўлиш.</p> <p>2 балл “қониқарсиз”. Аниқ тасаввурга эга бўлмаслик. Билмаслик. Фикрни ифодалаб бера олмаслик.</p>

Рейтинг тақсимооти

Назорат тури	Назорат шакллари	Назорат шакллари бўйича максимал балл
Оралиқ назорат Муддати: 15-ҳафта	Ёзма	5
Яқуний назорат	Ёзма	5

VI. Асосий ва қўшимча адабиётлар ҳамда ахборот манбалари.

Асосий адабиётлар:

1. Расулов Р., Ҳусанов Н., Мўйдинов Қ. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. - Тошкент, 2006.
2. Махмудов Ҳ. Ўқитувчи нутқи маданияти. - Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасидашриёти, 2007.
3. Карнеги Д. Ўз-ўзига ишонч ҳосил қилиш ва омма олдида сўзлаш санъати. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2010.

Қўшимча адабиётлар:

8. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва фаровонлигининг гарови // Халқ сўзи. -Тошкент, 2016, 8 декабр.
9. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз // Халқ сўзи. Тошкент, 2016, 16 декабр.
10. Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати.-Т .: Шарқ, 1998.

11. Фитрат. Аруз ҳақида. - Т.: ўқитувчи, 1997.
12. Қ.Орипов, М.Обидова. Ифодали ўқиш. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
13. Қудратов Т., Нутқ маданияти асослари. - Т.: Ўқитувчи, 1993.
14. Кунгуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари, - Тошкент: Ўқитувчи, 1992.
15. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси. 1-қисм. -Тошкент: Наврўз, 1997.
16. Воҳидов э. Шеър дунёси. - Т.: Шарқ, 2001.
17. Орипов А. Танланган асарлар. 4 томлик. - Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 2001.
18. Аъзамов А. Аруз. - Т.: 2006.
19. Умиров Ҳ. Адабиётқоидалари. - Т.: Ўқитувчи, 2002.
20. Бобоев Т, Бобоева З. Бадиий санъатлар. - Т.: 1999.
21. У.Норматов. Нафосат гурунглари. - Т.: Мумтозсўз, 2011.
22. Цицерон М.Т. Нотиклик ҳақида икки рисола. Т.: Шарқ, 2008.

Интернет сайтлари

23. <http://www.pedagog.uz/> Pedagogika muassasalari portali.
24. http://teoria-ractica.ru/rus/files/arhiv_zburnala/2011/6/filologiya/galay.pdf
25. <http://www.uz-translations.net>
26. <http://www.booksbooksbooks.ru>
27. www.tdpu.uz
28. www.pedagog.uz
29. www.ZiyoNet.Uz
30. <http://www.multimedia.uz>
31. www.tilvaadabiyot.uz e-mail: tiladabiyot@umail.uz

«Нутқ маданияти» фани бўйича талабаларнинг билимини баҳолаш мезонлари

Баҳолаш усуллари	Экспресс тестлар, амалий ишлар, оғзаки сўров, презентациялар
Баҳолаш мезонлари	<p>5 балл “аъло”. Хулоса ва қарор қабул қилиш; Ижодий фикрлай олиш; Мустақил мушоҳада юрита олиш; Олган билимларини амалда қўллай олиш; Моҳиятини тушуниш; Билиш, айтиб бериш; Тасаввурга эга бўлиш.</p> <p>4 балл “яхши”. Мустақил мушоҳада юрита олиш; Олган билимларини амалда қўллай олиш; Моҳиятини тушуниш; Билиш, айтиб бериш; Тасаввурга эга бўлиш.</p> <p>3 балл “қониқарли”. Моҳиятини тушуниш; Билиш, айтиб бериш; Тасаввурга эга бўлиш.</p>

	2 балл “қониқарсиз”.
	Аниқ тасаввурга эга бўлмаслик. Билмаслик. Фикрни ифодалаб бера олмаслик.

Асосий ва қўшимча адабиётлар ҳамда ахборот манбалари.

Асосий адабиётлар

1. Қ.Орипов, М.Обидова. Ифодали ўқиш. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Расулов Р., Ҳусанов Н., Мўйдинов Қ. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. - Тошкент, 2006.
3. Қудратов Т., Нутқ маданияти асослари. - Т.: Ўқитувчи, 1993.
4. Махмудов Ҳ. Ўқитувчи нутқи маданияти. - Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007.
5. Кунгуров Р., Бегматов Э., Тожиев Й. Нутқ маданияти ва услубият асослари, - Тошкент: Ўқитувчи, 1992.
6. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси. 1-қисм. -Тошкент: Наврўз, 1997.
7. Карнеги Д. Ўз-ўзига ишонч хосил қилиш ва омма олдида сўзлаш санъати. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2010.

Қўшимча адабиётлар

8. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва фаровонлигининг гарови // Халқ сўзи. -Тошкент, 2016, 8 декабр.
9. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга курашимиз // Халқ сўзи. Тошкент, 2016, 16 декабр.
10. Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арўзи луғати.-Т.: Шарқ, 1998.
11. Фитрат. Арўз ҳақида. - Т.: Ўқитувчи, 1997.

12. Воҳидов э. Шеър дунёси. - Т.: Шарқ, 2001.
13. Орипов А. Танланган асарлар. 4 томлик. - Т.: Г.Гулом нашриёти, 2001.
14. Аъзамов А. Арўз. - Т.: 2006.
15. Умиров Ҳ. Адабиёт қоидалари. - Т.: Ўқитувчи, 2002.
16. Бобоев Т, Бобоева З. Бадий санъатлар. - Т.: 1999.
17. У.Норматов. Нафосат гурунглари. - Т.: Мумтоз сўз, 2011.
18. Ситсерон М.Т. Нотиклик ҳақида икки рисола. Т.: Шарқ , 2008.

Интернет сайтлари

19. 20. <http://www.pedagog.uz/> Pedagogika muassasalari portali.
21. http://teoria-ractica.ru/rus/files/arhiv_zburnala/2011/6/filoIogiya/galay.pdf
22. <http://www.uz-translations.net>
23. <http://www.booksbooksbooks.ru>
22. www.tdpu.uz
24. www.pedagog.uz
25. www.ZiyoNet.Uz
26. <http://www.multimedia.uz>
27. www.tilvaadabiyot.uz e-mail: tiladabiyot@umail.uz

Нутқ маданияти фани бўйича ўтказиладиган оралиқ ва якуний назорат учун тавсия этиладиган назорат саволлари

1. Нутқ маданияти фанининг тадқиқот доираси ҳақидаги фикрингиз.
2. Нутқ маданияти ўзига хос фан сифатидаги ўрни ҳақида фикр билдириңг.
3. Нутқ маданияти фанининг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
4. Нутқ маданиятининг бошқа ижтимоий фанлар билан алоқалари ва ҳамкорлиги ҳақида нималарни биласиз?
5. Нотик ким?
6. Тил нима? талаффузчи?
7. Сухандонлик нима?
8. Нутқ софлиги деганда нимани тушунасиз?
9. Нутқ софлигига қандай ҳолатлар путур етказиб туради.
10. Тил маданияти ва нутқ маданияти уларнинг фарқи нимада?
11. Нутқнинг таъсирчанлиги деганда нимани тушунасиз?
12. Адабий тил ва унинг нормалари ҳақида нималарни биласиз?
13. Адабий сўзлашув нутқи ҳақидаги фикрингиз?
14. Қадимги Греция нотиклик санъати ҳақида нималарни биласиз?
15. Протагор ва Демосфен ҳақида нималарни биласиз?
16. Арастунинг “Риторика” китоби ҳақида фикрингиз.
17. Силлогизм ҳақида нималарни биласиз?
18. Арасту нотиклик санъатини эгаллашни неча қисмга бўлиб ўргатади?
19. Коракс ва Тисийларнинг яратган чиройли сўзлашнинг тизими ҳақида нималарни биласиз?
20. Академик сухбат – диологларнинг устаси Суқрот ҳақида нималарни биласиз?
21. Демосфеннинг “Биринчидан ифодалаш, иккинчидан ифодалаш ва учунчидан яна ифодалаш” деган фикрига қарашларингиз.
22. Қадимги Римдаги нотиклик санъати ҳақида нималарни биласиз?
23. Рим мактаби нотиклик санъати усуллари ҳақида нималарни биласиз?
24. Цицерон “Кимки жўн нарсалар ҳақида оддийгина, кундалик воқеалар ҳақида ўрта даражада, улуғ ходисалар ҳақида эса завқ – шавқ билан гапирса, шу одам сўз санъатининг чинакам устаси бўлади” дейди, сизнинг изоҳингиз .
25. Бобилон ва қадимги Мисрдаги нотиклик санъати хусусида нималарни биласиз?
26. Махабхарата, Авесто ва Лун – юй хикматлар китобида сўз хусусида нималар дейилади?
27. Ўрта асрлар мусулмон Шарқида нотиклик санъатининг вужудга келиши ҳақида нималарни биласиз?
28. Фаробий. ахлоқли инсон ҳақида гапирганда “сўзлари аниқ бўлсин, фикрини ва айтмоқчи бўлган мулохазаларини равон ва равшан баён эта олсин.” – дейди. Нима учун инсон ахлоқини уни нутқи билан боғламоқда? Сизнинг фикрингиз қандай?
29. Абу Али ибн Сино нотик нималарга амал қилиши лозим деб билади.
30. Қобусномада нотикликни эгаллашнинг қандай йўллари кўрсатилган?
31. Навоийнинг фикрича, воиз қандай хусусиятларга эга бўлиши лозим деб билади?
32. Кошифийнинг “Агар сўз сеникими ёки сен сўзникими, деб сўрасалар, айтгил: мен сўзни ва сўз меникидир” деган фикрига қарашларинингиз.
33. Куръони Карим ва Ҳадиси шарифда муомала, чиройли сўз хусусида қандай фикрлар билдирилган?
34. Тасаввуфда ҳилмлик, мулойимлик, ширинсўзлик тўғрисида нималар дейилган?
35. Мавороуннаҳрда бадий нотиклик.
36. Абу Носир Форобий: фикрни қандай баён этиш керак.
37. Кайковус: нотик сўзининг маънолари.

38. Навоий сўзга қандай таъриф берган?
39. Нотиклик санъатининг хусусиятлари ва турлари.
40. Тил ва Нутқ. Тил бойлиги .
41. Ички ва ташки Нутқ. Нутқнинг аниқлиги.
42. Риторика ва санъат. Риторика турлари.
43. Ижтимоий – сиёсий нутқ, академик нутқ, ҳуқуқий – нутқ, ижтимоий – урф одатларга асосланган нутқ, диний нутқ.
44. Нотиклик санъатининг мазмуни ва тузилиши.
45. Нутқдаги биринчи маълумот. Нутқдаги иккинчи даражадаги маълумотлардан фойдаланиш
46. Нутқда муаммоли масалалардан фойдаланиш.
47. Сухбат, талаффуз, муҳокама, мунозара, табрик Нутқи.
48. Нотиклик маданияти.
49. Нотиклик санъатининг услублари, сўз ва ҳаракат бирлиги.
50. Услуб нима? Усулчи? Нутқдаги ҳиссий – туғёний ҳолатлар.
51. Нотикнинг кўриниши, қўл ҳаракати ва юздаги мимика.
52. Нутқда кўргазмадан фойдаланиш.
53. Нотиклик санъатининг ахлоқий тамойиллари.
54. Нотиклик санъатида адолат ва ҳақиқат. Ўз фикрини билдириш ҳуқуқи. Нотик шахсига қўйиладиган талаблар. Нутқ одоби.
55. Риторика деганда нимани тушунасиз?
56. Ички Нутқ нима?
57. Ташки Нутқ нима?
58. Тил бойлиги нима?
59. Адабиётшунос О.Шарофиддиновнинг қуйдаги фикрларига эътибор қилинг. “Сўз жуда ўжар нарса бўлади. Унга бефарқ қарасанг маъносидан бир чимдим яшириб қолишга, ҳамма рангни номоён қилмасликга уринади. Шундай сўзлар борки, улар каппалакга ўхшаб жумладан жумлага енгил кўчиб юраверади, тайинли хизмати бўлмайди”. (“Биринчи мужиза” 294 бет) фикрни изохлаб беринг.
60. Ўзбек тилида такрорнинг неча хил тури мавжуд?
61. Инсоннинг нутқий кўриниши неча турда номоён бўлади?
62. Оғзаки нутқнинг неча хил кўриниши мавжуд?
63. Тўхтама нима?
64. Монолог нима?
65. Шева нима?
66. Ижтимоий – сиёсий нутқ қандай бўлиши керак?
67. Академик нутқ ҳақида нима дея оласиз?
68. Ҳуқуқ тартибот ташкилотларида қилинадиган нутқлар хусусида фикрингиз.
69. Ижтимоий ҳамда урф – одатларга асосланган нутқ ва диний нутқ орасидаги фарқни тушунтириб беринг.
70. Мантқий фикрлаш усуллари ҳақида нималарни биласиз?
71. Фикрлашнинг асосий формалари ҳақидаги фикрингиз.
72. Таъриф – таърифлашнинг неча хил қоидаси бор?
73. Муҳокама нима?
74. Ақлий хулоса - дедуктив, индуктив ва аналогия улар ҳақида фикринингиз?
75. Ишботлаш нима?
76. Раддия деганда нимани тушунасиз?
77. Сухбат нима?
78. Мунозара нима?
79. Танқидий нутқ ҳақидаги фикринингиз.
80. Табрик нутқи ҳақидаги фикринингиз.
81. Риторика ва санъат.



82. Имо-ишора нима?
83. Интонация нима?
84. Сўзлашув услуби ҳақидаги фикрингиз.
85. Расмий услуб ҳақидаги фикрингиз.
86. Илмий услуб ҳақидаги фикрингиз.
87. Публицистик услуб ҳақидаги фикрингиз.
88. Бадиий услуб ҳақидаги фикрингиз.
89. Тил, нутқ ва тафаккур уларнинг боғлиқлиги нимада?
90. Нутқнинг психологик маданияти ҳақида нималарни биласиз?
91. Нутқнинг мазмундорлиги ҳақидаги фикрингиз.
92. Нутқнинг тушунарли бўлиши нималарга боғлиқ?
93. Нутқнинг ифодалилиги ҳақидаги фикрингиз.
94. Нутқнинг таъсир қилувчи томони ҳақидаги фикрингиз.
95. Нутқнинг алоқа маданияти (коммуникация) ҳақидаги фикрингиз.
96. Нотиқлик санъатида услуб нима?
97. Чиройли сўзлашнинг ахлоқий функциялари ҳақида нималарни биласиз?
98. Муомалада оддийлик деганда нимани тушунасиз?
99. Нотиқ шахсига қўйиладиган талаблар ҳақида нималарни биласиз?
100. Нутқ маданиятида умуминсонийлик ва миллийлик



НУТҚ МАДАНИЯТИ ФАНИДАН МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН МАВЗУЛАР

1. Нутқ маданияти фанининг тадқиқот доираси, мақсади ва вазифалари.
2. Қадимги дунёда нотиқлик санъатининг пайдо бўлиши. (Юнонистон, Румо)
3. Буюк мутафаккир нотиқлар хусусида. (Протагор, Демосфен, Аристотель, Цицерон).
4. Бобилон ва қадимги Мисрдаги нотиқлар хусусида.
5. Қадимги Хиндистон ва Хитойдаги нотиқлик санъати.
6. Будхачилик, Дао ва Конфуций таълимотларидаги ўзига хос жиҳатлар.
7. Ўрта асрлар мусулмон шарқи мутафаккирларининг нотиқлик санъати хусусидаги таълимотлари.
8. Диний – ҳадисий йўналиш бўйича (Ал-Бухорий, Ат-Термизий).
9. Машшойийун файласуфларининг таълимотлари (Фаробий, Ар-Розий, Ибн Сино, Ибн Рушд).
10. Нотиқлик санъатининг тасаввуфий моҳияти Ғаззолий, Румий, Яссавий, Нақшбандий, Машраб).

ФАНГА ОИД ЧИЗМАЛАР







НУТҚНИ КУЧАЙТИРУВЧИ ОМИЛЛАР

